*МУАММОЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР*

# ҚАЛБ АЛАНГАСИ

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ



**1. ЁЗУВЧИ СЎЗИНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ**

ЙИГИТ БЎЛСА, юрагида ўти бўлсин, дейишадики, бу бежиз эмас. Чунки, ўт бу ерда кучли шижоат, матонат, фаоллик, бедорлик маъноларини англатади. Бепарволик, лоқайдлик, фаолиятсизликни фақат қалб алангаси билан енгиш мумкин. Негаки, инсон тирик экан, унинг юрагида озми ё кўпми, албатта, олов бўлади. Яна шуниси борки, бу олов ташқи ҳамда ички зулм қурбони бўлиб, бутунлай йўқолиб кетиши оқибатида ўз эгасини, яъни инсонни тепса тебранмас танбал ёки қулга, манқуртга айлантириши ҳеч гап эмас. Ҳамма гап мана шу йилтиллаб турган ўтни алангалатиб, ҳаёт, кураш гулханига айлантиришга боғлиқки, бу борада ёзувчи, мунаққид, журналист, умуман, қаламкаш сўзининг ҳарорати бўлиши керак. Лекин журналист сўзининг ҳарорати билан ёзувчи ёки мунаққид калимасининг алангаси бир хил салмоққа эга эмас, кўпинча масаланинг шу жиҳати эътибордан соқит қилинади. Ҳолбуки, журналист ёки публицист кучи санъаткорлик, яратувчилик қудратининг ўрнини босолган эмас. Тўғри, улар бир-бирларини тўлдириши мумкин, аммо бири иккинчисининг вазифасини адо этолмайди. Айтайлик, жумҳуриятимизда нима учун қарийб йигирма қаламкаш яқин йигирма-ўттиз йил мобайнида халқ шоири, ёзувчиси деган юксак унвонлар билан тақдирланиб, кўп мукофотлар соҳиби бўлди-ю, бироқ улардан бирортаси Ч. Айтматов ёки Р. Ҳамзатов сингари бутун дунёга шуҳрат қозонмади? Бу саволга бирданбир тўғри жавоб қайтариш осон эмас, аммо шуни айтиш мумкинки, уларнинг шеърий, насрий, драматик асарлари шаклан роман, қисса, достон ёки пьеса тарзида ўқувчига тақдим этилганига қарамасдан озгина қалб ҳарорати, озгина тўғри фикрларни, озгина ҳаёт ҳақиқатини ўз ичига олган журналист, публицистнинг баённомаларидан иборатдир. Зотан, ҳар бир бадиий асар шундай фикру туйғулар, тасвиру тавсифлар гулхани бўлсинки, ёзувчининг ҳар бир сўзи, жумласи бутун «тану жони»да фақат бир кун, икки кун эмас, беш-ўн, ҳатто бир неча аср мобайнида ўз тафти, ҳовури, ҳароратини сақлаб турсин.

Эътироф этиш зарурки, кейинги ярим аср мобайнида қайси қаламкашлар коммунистик партиявийлик талабларига риоя қилиб, ижтимоий тузумни, коммунистик мафкурани бир овоздан якдиллик билан қўллаб-қувватласа, ўшаларнинг ошиғи олчи бўлиб, барча миқёсларда мақталиб, мукофотланиб, бутун адабий жараёнда ҳукмронлик қилдилар.

Афсуски, бозор иқтисодига ўтаётган ҳозирги пайтларда улар отдан тушсалар ҳам, эгардан тушмаётирлар, янги талабларга мослашиб, яна ўша офаринбозлик, дабдабабозлик руҳи билан йўғрилган асарларини бугун «тирилтириш»га ҳар хил йўллар, воситалар орқали ҳаракат қилмоқдалар. Мана шу ҳаракатнинг муҳим натижаларидан бири сифатида яқинда жумҳурият Матбуот қўмитаси билан Ёзувчилар уюшмасининг махсус қарори пайдо бўлди. Қарорга биноан 60—80-йиллардаги расмий доираларда ўзбек адабиётида ўнлаб қаламкашларнинг бир, икки, уч жилдлик сайланмаларини чоп этиш жумҳурият нашриётларига топширилган. Тўғри, уларнинг орасида бир қанча ҳолларда офаринбозлик, дабдабабозликка ён бериш билан бирга гоҳ бевосита, гоҳ бавосита ҳаёт ҳақиқатининг баъзан озроқ, баъзан кўпроқ, қисмини ёритган истеъдод соҳиблари ҳам бор, лекин улар ҳал қилувчи мавқени эгалламайди.

Эндиликда китобхонларнинг эҳтиёжларини «юқори»дан, яъни ижодий ё ноижодий ташкилотлар, уюшмалар томонидан белгиланишидан воз кечмасак, тараққиёт сари бир қадам ҳам олға силжиш мумкин эмас. Бинобарин, нашриётларга тўла мустақиллик, ижодий, ташкилий эркинлик берилиши сув билан ҳаводек зарурдир. Аммо бунинг ўзи билан иш битмайди. Галдаги муҳим вазифа — ўқувчиларнинг қайси ёзувчиларнинг қандай асарларини ёқтириб, қайси китобларини ёқтирмаслигини аниқлаб, уларнинг эҳтиёжини билишдир. Лекин бу вазифани тўла, бехато уддалашга китобхонларнинг савияси хилма-хиллиги халақит беради. Бизнинг советлар мамлакатида ўқувчиларнинг дидини ўстириб, уларнинг савиясини кўтаришга тўсиқ бўладиган яна бир қанча иллатлар борки, улар пировардида ижтимоий тузумимизга боғланади. Ахир, етмиш йилдан ортиқ вақт ичида бадиий ижоднинг ҳаётда қандай аҳамият касб этишини, қайси ёзувчининг нима учун, қандай асосларга кўра мақталиши, мукофотланиши ёхуд қораланиши, танқид қилинишини улар белгилаб бериши тасодифий эмас-ку!

ТЎҒРИ, БАЪЗАН РАҲБАРИЯТНИНГ фикри ўқувчилар оммасининг ниятига мос тушиб қолган пайтда адолатли ҳукм чиқарилардики, бу, айтайлик, О. Ёқубов ёки А. Орипов, П. Қодиров ёхуд Э. Воҳидов каби чинакам истеъдодларнинг қаттиқ курашлар, талашиб-тортишувлар орқали тақдирланишида ўз аксини топди. Лекин булар ҳамма вақт баракали фаолиятга йўл очадиган қонуният эмас, шунчаки истиснолар бўлиб, моддий, маънавий-маданий бойликларни ишлаб чиқариш «об-ҳаво»сини ўзгартира олмайдиган истиснолар эди, холос.

Хайриятки, эндиликда мана шу истиснолар аста-секинлик билан қонуният тусини олмоқда. Ахир, расмий равишда партия яккаҳокимлигидан воз кечилиб, кўп партиялиликка, ижодий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эркинлик сари қадам ташланганини ҳаммамизга аён-ку!

Хўш, мана шундай вазиятда 60-йилларда туғилиб, танқидчилигимизга 80-йилларнинг ўрталарида кириб келган бир неча иқтидорли ёшлар инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш байроғини қўлга олиб, янгича илмий-эстетик, адабий-танқидий олам яратишга енг шимариб киришмайдимиди? Ахир, улар турғунлик иллатларидан устозларига нисбатан камроқ таъсирланган, ҳар хил партиявий тазйиқу тақиқларга камроқ учраган-ку?

Бунинг сабабларини И. Ғафуров қуйидагича изоҳлайди: «...кўп йиллар мобайнида адабий танқиднинг ихтиёри ўзида бўлмаган. Ҳозир-чи? Ҳозир ўнгланишга юз бурдигу, лекин матбуотда тўла эркинликнинг йўқлиги ривожланишларга йўл бермаётир. Танқид ижтимоий тафакур ривожи билан баравар муносиб равишда қадам ташлаб боролмаётир. Илгариги пайтлардаги нўноқликларимизнинг асорати ҳамон ўзини сездириб турибди. Бу ерда ҳам тиканли симлар оёқ остида».

Хўш, шундай экан, олға юриб, тараққиёт чўққиларини забт этиш учун нима қилиш керак? Табиийки, «тиканли симлар»дан қутулишимиз даркордир. Бироқ бу ишни ким бажаради? Уларни ўзимиз йўқотмасак, ким йўқотади?

Хўш, эндиликда қарийб беш йилдан бери амалга оширилаётган инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёнида нима учун ўша заифроқ, бўшроқ заминни мустаҳкамлаб, тараққиётнинг юксак босқичларига кўтарила олмаяпмиз? Бунга кимлар, нималар халақит бермоқда?

Бу ҳақда И. Ҳаққул қуйидагича мулоҳаза юритади: «...танқидчиликнинг ҳам асосий вазифаси — яхши асарни топиб, уни синчковлик билан ўқиб, кейин тарғиб-ташвиқ қилишдир».

Нима учун айнан шу вазифани бажариш зарур экан? Бунга жавобан фаранг танқидчиси Сент-Бёвнинг қуйидаги фикри келтирилади: «Мунаққид, бу — мутолаа қила олишга қодир ва уни ўзгаларга ўргатадиган одам».

Хўш, бу фикр машҳур, обрўли ижодкор томонидан айтилган экан деб сўзсиз қабул қилиш шартми? Табиийки, шарт эмас. Биринчидан, китобни мутолаа қилиб, уни бошқаларга тушунтириш, ўргатиш қобилияти ҳар қандай зиёлийга хос бўлиши керак. Мунаққид учун бу етарли эмас. Шунинг учун мунаққиднинг асосий вазифаси яхши асарни топиб, уни халққа тушунтириб беришдан иборат, дейиш бирёқламаликдир.

**2. ЯНА ОФАРИНБОЗЛИКМИ!**

АЙТАЙЛИК, ўрмонда гулхан ёқиб, дам олмоқчи, табиатдан ҳузурланмоқчи бўлдингиз, аммо шу пайтда ёмғир ёки қор ёғиб турса, ўтин ҳўл бўлиб, ёнмасдан фақат туташини ким билмайди, дейсиз. Шунинг учун пана жой топиб, ҳўл ўтинни ёқишга керосин ёки бензин ишлатмасангиз, ҳеч қандай натижа чиқмайди. Сўнгра қориннинг ғамини еб, кўнгилни хушлайдиган суҳбат қурмасангиз, фақат оловнинг ўзи одамни хурсанд қилолмайди. Буларни ҳозирлаш, таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Лекин қалб алангасини яратиб, уни сўзларга сингдириб юбориб, бу сўзлар орқали минглаб, миллионлаб одамларнинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини қондириш-чи? Бунинг учун Маяковский таъбири билан айтганда миллион тонна сўзлар «рудаси»ни қазиб, битта сўзни топиб олиш, сўнгра уни қоғозга тушириш учун эса ноёб истеъдод зарур, истеъдоднинг эса тўқсон фоизи меҳнату машаққатдан иборатдир. Яхши асарларни «офаринбозлик» руҳида баҳолаш шахсан менга жуда эриш туюлади. Бу усул очиқ фикрли замонада жуда эскириб, обрўсини йўқотиб қўйди.

Бунга аниқлик киритиш мақсадида «Кўнгил дарчасига тушган нур» («ЎзАС», 1990, 17 август) сарлавҳали мақолани кўздан кечирайлик. Унда Ҳалима Худойбердиева шаънига айтилган бир қанча яхши мулоҳазаларни учратаман ва бу шоира ҳозирги ўзбек шоирларининг пешқадам вакилларидан биридир, деган хулосага дуч келаман.

Шоира шундай мартабага лойиқ. Бу баҳслашиб ўтирадиган гап эмас. Бироқ бунга у қандай кашфиётларни яратиш билан эришган, деган савол туғилади ва мен, ўқувчи, мақоладан ўзимнинг шу саволимга жавоб тополмасдан жиғибийрон бўламан. Ахир, шоиранинг мақталган ўнлаб шеърларидан лоақал биттаси таҳлилдан ўтказилиб, лирикасининг илдизлари очилмагандан кейин бошқача бўлиши мумкин эмас-ку?! Айни чоқда бир қарашда жуда ўринли, асосли, жуда салмоқли, аммо чуқур ўйлаб кўрилса бир ёқлама, ноаниқ фикр-мулоҳазалар тўлиб-тошиб ётибди: «Аслида шоир учун истеъдодли, истеъдодсиз деган сўзларнинг ишлатилиши ҳам шартлидай туюлади менга. Ҳақиқий шоир, шаксиз, истеъдодли бўлади. Истеъдод эса аксиомадек, яъни исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдай гап. Ана шу ҲАҚИҚАТ бутун умри давомида эл дардини, қувончини — унинг улкан ЮРАГИНИ қаламга олиб хизматда бўлади. Жонбахш мисралар баҳор эпкинларидай ғуборни эритувчи Нодирабегим, Увайсий, Зебуннисо, Маҳзуналар каби...».

Бу гапларни дабдурустдан рад этолмайсиз. Негаки, халқнинг қалби, кўнглидаги ғуборларни эритувчи ҳақиқат ҳақида сўз кетаяпти. Ҳатто, бу фикрга қисман қўшиласиз, лекин бу ҳақиқат қандай мисраларга сингдириб юборилибди, кимнинг қандай поэтик образларида жилваланибди, деган саволлар хаёлимни банд этадики, уларга мазкур мақоладан, афсуски, жавоб тополмайман.

«Кўнгил дарчасидан тушган нур»ни жуда қизиқиб ўқийсиз, ундаги шоирона битилган таъсирчан ўхшатишлар, сифатлашлар кўнглингизга нур олиб киргандай бўлади, лекин бу нур қандай такрорланмас ҳақиқатни намоён қилиб, нимани очиб бераяпти, деган муаммони ечолмайсиз.

Ҳ. Худойбердиева ижодига бағишланган «Ибо гулларига ўралган исён» («Ёшлик», 1990, 10-сон), «Сен барибир муқаддассан...» («Ёш ленинчи», 1990, 3 октябрь) мақолаларини ўқиганимда ҳам шундай таассурот туғилди менда. Бунинг бир сабаби шунда бўлса керакки, уларнинг бирини Ш. Салимова, иккинчисини Ш. Содиқ, учинчисини А. Маҳкам ёзган бўлиб, бу қаламкашлар профессионал мунаққид эмас, балки наср, назм билан шуғулланиб, шоир, ёзувчи бўлишга киришган, шу йўлда заҳмат чекаётган ёш қаламкашлардир.

Эътироф этаманки, бу қаламкашлар аксари мунаққидларимиздаги ўта илмий, қуруқ мулоҳазалар, қатъий ҳукм-хулосалар, эҳтироссиз кузатишлардан йироқдир, улар жонли, таъсирчан, образли, тасвирли услубда фикрлайди, қалбимизга фикру туйғулари ҳарорати билан осонгина кириб келади. Тафаккур кучидан тоғларни яратдим, нураб кетдилар» каби юрак бедорлигини ифодаловчи ўткир мисраларга диққатимиз жалб этилиб, улардан инсонни комилликка чорловчи, моҳиятни кенг фалсафий идрок этувчи «мангу даъват мавжуд»лиги ишонарли қайд этилади. Бироқ бу даъват ҳақиқатан ҳам мангу янграйдими, ҳеч қачон сўнмасдан, ҳақиқат ёғдусини сочиб турадими?

Афсуски, бу саволга фақат қисман жавоб топамиз, тўла жавоб эса тўла ҳақиқатдан туғилади. Фақат Ш. Содиқ эмас, Ш. Салимова ва А. Маҳкам ҳам бутун куч-қудратини мақташга сарфлаганлар, холос.

Табиийки, мақташга асос бор. Ахир, шоиранинг Ҳамза мукофоти билан тақдирланиши бежиз эмас-ку! Зотан, унинг жанговарлик, курашчанлик руҳи билан суғорилган шеърлари мавжудки, бунинг муносиб баҳоланиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу маънода тилга олинган мақолалардаги бир қанча ижобий мулоҳазаларга тўла қўшилиш лозим. Аммо улардаги мақтов, мадҳия пардалари шундай юксакликларга кўтарилиб, шундай дабдабалар билан жаранглатиладики, гўё шоира бутун ижодий фаолияти давомида нуқсон, муваффақиятсизлик нималигини билмаган, нуқул зафарларга зафарларни улайверган, пировардида ўзбек шеъриятининг ягона ёруғ ва улуғ юлдузига айланган; гўё у билан ёнма-ён ижодий мусобақалашиб, заҳмат чекаётган; Г. Нуриллаева ёки О. Ҳожиева йўқ, фақат ўзлари шеърият юкини кўтариб, тараққиёт майдонида жавлон урмоқда...

Гап мақтов меъёрининг ҳаддан ташқари, оширилиб юборилгани ҳақида бораяптики бу ўз-ўзидан офаринбозликни келтириб чиқаради, офаринбозлик илоҳийлаштиришнинг бир кўринишидир. Илоҳийлаштириш эса ҳар қандай тараққиёт илдизига болта уради. Шунга кўра бир қанча ёш мунаққидларимиз ҳозирги адабий жараёнда рўй бераётган ўзгаришларга сезгирлик билан жиддий қараб, адолатли мулоҳаза юритишга интилмоқдаларки, бу ерда биринчи галда Иброҳим Ҳаққул, Аҳмад Отабоев, Абдулла Улуғов, Раҳмон Қўчқоров, Яшар Қосимов, Сувон Мелиев, Мусурмон Номозов ҳамда бир қанча шеърий, насрий асарларга диққатимизни тортиб, танқидчиликда ҳам самарали қалам тебратаётган Азиз Саид, Хуршид Дўстмуҳаммадни назарда тутаётирман. Негаки, уларнинг мақолаларини ўқирканман, 60-йилларнинг ўрталари 70-йилларнинг бошларида А. Орипов, Э. Воҳидовнинг айрим шеърларида бошланиб, сўнгра М. Солиҳ, Ш. Раҳмон, У. Азимов, Ҳ. Даврон томонидан ривожлантирилган курашчанлик, жанговорлик руҳи янги мазмун билан бойитилаётганини қўллаб-қувватловчи ва аксинча, кўпгина тажрибали қаламкашларимизнинг аксари поэтик, насрий, драматик асарларида инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш шиори остида ҳамон офаринбозлик, юзакилик, қолиплаш, бир хиллик, яъни схематизм каби иллатлар бартараф этилмаганини қатъий танқид қилувчи юракларнинг аламли ҳамда алангали нидолари, туғёнларини ҳис қиламан. Айниқса, Иброҳим Ҳаққул, Аҳмад Отабоевнинг яхши маънодаги чапанилиги, фаоллиги менга ёқади. Лекин бугунги ижтимоий-маънавий тараққиёт миқёси, авжи ижодий матонат, шиддаткорлик, курашчанликни кучайтиришга даъват этмоқ.

ХЎШ, АНА ШУНДАЙ юксак талабаларга мувофиқ фаолият кўрсатилаяптими?

Айтайлик, Раҳмон Қўчқоров «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» романларининг ёзилиш тарихини ҳозирги замондаги илмий-эстетик ўзгаришлар нуқтаи назаридан ёритиб, истеъдодининг анча ёруғ, кучли учқунлари билан кўпчилик таҳсинига сазовор бўлган эди. Шундан сўнг қани энди шу учқунлар аланга айланиб, бўш, хашаки асарларни куйдириб, уларнинг муаллифларини яратиш қудратидан маҳрум бўлган қаламкашлар сифатида фош этса, деган ният туғилди. Агар ҳар бир истеъдод ўзининг кучи, имкониятларини юзага чиқариш йўлида тинмай изланиб, заҳмат чекмаса, адабий-танқидий фактлар, воқеаларни ҳаётдаги ўзгаришларга таққослаб таҳлил қилиш маҳоратини ошира бормаса ижодий ғалабага эришиш асло мумкин эмас. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги мисолни кўриб ўтайлик: «Қора дўлана»қиссасасининг «сохта тасвирларига», ғўр ёшларни жалб этиш мақсадида киритилган «чучмал» эпизодларга, персонажлар тилидан айттирилган «андишасиз» ибораларга ҳозир тўхтаб ўтирмайлик-да, оддийгина мантиқий саволлар билан асарга (шу жумладан асар ҳақидаги мақолага) мурожаат қилайлик. Хўш, «ёш қишлоқ қизи» Ширин қандай фаросат эгасики (аслида у бечорада айб йўқ) бир эмас, икки эмас, уч марталаб айни ҳолатларда «алданаверади». Худди роботга ўхшаб фикрловчи Али олиб келган Одил Ёқубов китобларини ўқиб, «ўзлигини англаган» бу қиз ўз отаси келиб «чўчқадай хириллаганча босиб» тушгунча Ҳамиданинг «ҳийла»ларига ишонаверади».

Мана шу мулоҳазаларга асосан гўё «Қора дўлана» қиссаси бўш асар, уни мақтаган танқидчи эса ноҳақдир, деб хулоса чиқаришимиз даркор, бироқ мен ўша қиссадаги «сохта тасвирлар», «чучмал эпизодлар», «андишасиз иборалар» нимадан иборат эканлигини, уларнинг нима учун сохта, чучмал, андишасиз эканлигини ҳис қилишим зарурки, бунинг учун мақолада аниқ, ҳаққоний дастак-исботлар келтирилмайди, асарнинг ўзига, унинг матнига мурожаат этилмайди. Шунингдек, қаҳрамоннинг бир эмас, икки эмас, уч марталаб алданавериши, ҳийлаларга учавериши мантиқсиз, деб эълон қилинадики, бунга бир жиҳатдан қўшилиш мумкин, аммо бу мантиқсизлик ҳаётнинг ўзидан олиниб, муайян бадиий мақсадни ифодалашга сафар бар этилаётган бўлса-чи? Ахир, реал воқеликдаги мантиқсизликлар бадиий мантиққа сингдириб юборилиши мумкинмасми? Яна шуниси борки, Раҳмон Қўчқоров адабий танқидчилик олдига жуда катта вазифалар қўйди-ю, лекин ўзи ҳам шу вазифаларни бажаришга чорланганини эътибордан четда қолдиради. Шунинг учун ҳалигача бир асар ёки муайян ёзувчи фаолиятини аниқ таҳлилдан ўтказган яхлит, салмоқли, ҳаққоний мақола билан чиқмади-ку!

Қуйида яна бир мисол билан танишамиз: «Шахсга сиғиниш йилларида «Ишчилар уйғон!», «Берма эркингни қўлдан» деб шеър ўқиш хавфли эди. Турғунлик йилларида эса Ҳамзанинг бу шеърлари кўплаб одамларда киноя уйғотди. Қайта қуриш инқилобга тенглаштирилди, ҳозир унинг бешинчи йили ўтмоқда. Аммо Ҳамза шу куннинг шоири экани ҳамон англаб етилгани йўқ».

Қандай эрк ҳақида сўзланаяпти? Кимнинг қачон уйғониши назарда тутилаяпти? Нима учун Ҳамза ҳозирги куннинг шоири деб эълон қилинаяпти? Йўқ, фақат ҳозирги замоннинг-мас, келажакнинг шоири, истиқболимиз, деб даъво қилинаяпти.

Афсуски, бу саволлар очиқ қолдирилади, олдимизга кўндаланг қўйилган даъволар исботланмайди. Балки исботланиши қийиндир? Ахир, турғунлик, дабдабабозлик, кўзбўямачилик даврида Ҳамза ҳақида бирорта танқидий фикр айтишга йўл қўйилмасди-ку?! У «ўзбек совет адабиёти»нинг ягона асосчиси, деб илоҳийлаштириларди-ку?!

Юқоридаги парча Н. Холлиевнинг «Ҳамза: ўтмиш эмас, истиқбол» (ЎзАС», 1990 йил, 16 март) мақоласидан олинди. У гўё барча гапдан бехабардек фикр юритиб, Ҳамзани фақат ўтмиш эмас, ҳозирги ва келгуси замон шоири деб мақташда давом этади, бироқ бирорта аниқ, ёрқин, ҳаққоний далил келтирмайди. «Қора дўлана»га тегишли кўчирма Р. Қўчқаровга мансуб бўлиб, у ҳам асар таҳлилидан келиб чиқмасдан мазкур асарни қоралайверади. Майли, қораласин, бу унинг ихтиёри. Н. Холиевга қарийб ярим асрдан буён Ҳамзани кўкларга кўтариб, ўзбек совет адабиётининг ягона сардорига айлантирганимиз етмайдими, яна улуғлашни — офаринбозликни давом эттираяпсиз, деб қоймаймиз, бироқ мақтову мадҳияларингизни асарлар таҳлили билан шундай асослангки, бунга заррача шубҳа пайдо бўлмасин, деган талаб қўйишга ҳақлимиз.

БИЗ ҲАМИША ҳар бир одамнинг юраги ёнмоғи керак, деб умид қиламиз. Лекин ижодкорнинг, хусусан, мунаққиднинг қалбидаги аланга бамисоли ҳақиқат ёғдуларидай китобхонлар оммасининг йўлини доимо ёритиб турсин. Бозор иқтисодига ўтаётган ҳозирги пайтда бу, айниқса, ноширларга ҳам тааллуқли бўлиб, танқидчининг ҳаққоний, ҳароратли, алангали сўзлари улар учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтаса, мустақил фаолият кўрсатиб, муаммоларни юқоридан келадиган буйруқлар, кўрсатмалар асосида эмас, балки ҳаётий заруратга мувофиқ ҳал қилишга имкон туғдирса, шундагина ўзини .оқлайди, наф келтиради.

# ЧЎЛПОН ҲАЁТИДАН БИР ЛАВҲА

Истеъдодли шоир Чўлпон билан 1928—1930 йилларда Самарқанд шаҳар, Қўшҳовуз маҳалласидаги 94-уйда бир ҳовлида турардик. Чўлпон рафиқаси Солиҳа билан яшарди. Ўша вақтда Ўзбекистон республикасининг пойтахти Самарқанд шаҳрига кўчирилган эди. Чўлпон авваллари шаҳар драма театрида адабий эмакдош бўлиб ишлади.

Чўлпоннинг уйига Абдулла Алавий каби кўпгина ёзувчилар, шоирлар, актёрлар келишар, адабиёт ва театр санъати ривожи ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар борар, бу соҳадаги камчиликларни йўқотиш борасида фикрлар билдирилларди. Чўлпон ҳамма миллатларга бир кўз билан қарайдиган одам эди. Негадир кейинги вақтларда газеталарда Чўлпон ҳақида танқидий мақолалар чоп бўлар, у эса бундай ноҳақ танқидларга норозилик билдириб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромовга, Халқ Комиссарлар Советининг раиси Файзулла Хўжаевга шикоят мактуби йўлларди.

Бу орада унинг шеърлар тўпламини босишга ижозат беришди. Чўлпон асарларини саралаб нашриётга топширди. Ўша онларда ниҳоятда хурсанд кайфиятда юрганлари ёдимда. Лекин, афсуски, унинг бу хурсандчилиги узоққа бормади. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, тўпламни босиб чиқариш рад қилингани маълум бўлди. У руҳан жуда эзилиб юрди. Негадир театрдан ҳам иш беришмай қўйишди шекилли, рус ёзувчилари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш билан машғул бўлди. Иқтисодий жиҳатдан жуда ғарибона ҳаёт кечирарди.

Ўша кезлари савдо идораларига кадр тайёрлаш мактаби мени Поп районидаги (ҳозирги Наманган область) Ғурумсарой пахта тайёрлаш пунктига ҳисобчи сифатида ишга юборишди. У ерда Чўлпондан откритка олдим. Аслида мен ундан ёш бўлсам ҳам, негадир у менга Абдуазиз ака деб мурожаат қиларди. Откриткада қуйидаги сўзлар ёзилганди: «Абдуазиз ака! Биз Солиҳа билан ажрашдик. Юраклар бошқа, тилаклар бошқа, бутун-бутун ётлик ва бегоналик. Мен эртага бутунлай Москвага кетаётирман. Хат ёзсангиз, қуйидаги адресга (у Москвадаги адресини кўрсатган эди) Сулаймонов А.га деб йўлланг. Чўлпон».

Бу орада бир неча йил ўтди. Чўлпон билан негадир хат ёзиша олмадик. 1935 йил сентябрь ойида мен Тошкентдаги ўзбек ўқитувчилари тайёрлаш икки йиллик институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирдим. Институтимиз Бешёғочда бўлиб, ётоқхонамиз Шайховандтаҳур маҳалласидаги «Орқа кўча»да жойлашганди.

Кунларнинг бирида Шайховандтаҳурдан трамвайга чиқиб, фавқулодда Чўлпонни учратиб қолдим. У ниҳоятда шодланиб уйига таклиф қилди. У ҳамон муқим иш тополмай, ихтиёрий равишда таржимонлик билан шуғулланаркан. Уйига бир неча марта бордим. Ҳар гал иқтисодий жиҳатдан қисилганини сезардим. Бир куни хотини (рус аёли) менинг гувоҳлигимда Чўлпонга қуйидагиларни айтди. «Ҳамид! Бизга қарзга сут олиб келаётган чол ҳақини сўраяпти. Нима қиламиз». Чўлпон эса: «Таржима ҳақини олсам, тўлаймиз, ҳозир эса пул йўқ», деб жавоб қайтарди.

Чўлпоннинг сўзларидан у яшаб турган уйини Файзулла Хўжаев ёрдамида олганлигини сездим. Сўнгги учрашувимиздан бир неча ой ўтгач тўсатдан Чўлпон қамалганини эшитиб қолдим. Лекин шоир озодликдан маҳрум этилган бўлса ҳам, одамлар унинг шеърларини Самарқанд чойхоналарида, хонадонларда ёддан айтишар эди. Масалан: «Муҳаббат осмонида гўзал

Чўлпон эдим дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат
қилолмай ерга ботдимку...» каби оташин байтлар кишилар қалбидан чуқур жой олган эди. Чўлпон ҳаётни, ватанни, одамларни севарди, миллатчилик кайфияти унга ёт эди. Эскича қарашлар ҳукмрон бир даврда у рус аёлига уйланганлиги ҳам бунинг далилидир. У ноҳақ репрессия қилинди.

**Абдуазиз ХОШМУҲАМЕДОВ,**
**педагогика фанлари кандидати, меҳнат ветерани**
**Тожикистон**

# ҚАҲРАМОН—ЯНГИЛАНАЁТГАН ИНСОН

**ҲИКОЯЛАРГА ОБЗОР**

Ўтган йил ҳикоячиликда «ҳосилдор» йил бўлди. Етук адиблар асарларидан тортиб муштарийлар машқларигача қўшиб ҳисобласак мингга яқин ҳикояларни кўздан кечирдик. Гарчи ҳафталигимиз саҳифаларида уларга кўпроқ ўрин ажрата олмаган бўлсак-да, ҳикоячиликда жонланиш сезила бошлаганини кузатиш мумкин.

Хўш, қатралардан новеллаларгача, ҳикоялардан драмаларгача бўлган бу асарларда нималар ҳақида фикр юритилади. Улар мавзу жиҳатдан хилма-хил: ҳақиқат учун кураш, юртни улуғлаш, уруш фожиалари, севги-муҳаббат, табиат муаммолари, халқ тақдири... Лекин турли мавзудаги мазкур асарларни бириктириб турадиган бир нуқта бор — бу ижодкорнинг бугунги кунда ошкоралик, демократия шарофатидан баҳраманд бўла бошлаган ва шу тариқа ўзлигини англай бошлаган инсонга янгича муносабатидир. Бу янгиланаётган инсон — қаҳрамон тарихимиз, бугунимиз ва эртамизга бошқача назар ташламоқда, унутила бошлаган инсоний хислатларни, анъаналарни қарор топтиришга интилмоқда, ўз хатоларини, камчиликларини оғринмай тан олмоқда. Лекин бу янгилана-ётган инсон барча асарларда бирдек аксини топмоқда дейиш қийин. Шунинг учун қўлимиздаги мавжуд ҳикояларни уч тоифага ажратиб баҳолаш мумкин.

Биринчиси, ҳафталигимизда эълон қилинган ва эълон қилишга тайёрланган бир қанча ҳикоялар борки, уларда ўша қаҳрамон тўлароқ инъикосини топмоқда. Адабиётда ўз ўрнини эгалламоқда.

Иккинчи тоифа ҳикояларда эса, улар ҳали шаклланмаган ҳолатда кўзга ташланмоқда. Масалан, навоийлик Н. Қўзиева, андижонлик Ҳ Каримов, хўжандлик Р. Назар, қашқадарёлик Ғ. Раҳмон, самарқандлик Х. Абдусаломов, бухоролик З. Абдураҳмон қизи ва бошқаларнинг рўзномамизга йўллаган ҳикояларида бу қаҳрамон кишини ишонтирмайди. Уларда бадиий таҳлил етишмайди, гоҳ баёнчилик кенг ўрин эгаллайди. Хуллас, нимадир қаҳрамон характерига соя ташлаб туради.

Учинчи тоифа ҳикоялар эса, асосан бошловчи, ҳаваскорларнинг машқларики, уларда янгиланиш шабадаларидан баҳрамандлик, қувонч туйғуларигина бор, холос. Бу ҳаваскорлар ўз машқларини йўллар эканлар, редакциядан «асар қандай ёзилиши» ҳақида маслаҳат сўрайдилар. Бадиий ижод сирларидан воқиф бўлишга интиладилар. Булар яхши ният. Лекин бу ўринда бадиий асар бировнинг маслаҳати билан яратилмаслигини таъкидлаб ўтишни истардик. Машқларини йўллаган ҳаваскорлар кўп бўлгани учун уларни номма-ном санаш қийин.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ҳафталигимизда эълон қилинаётган ҳикоялар муштарийларимизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Улар бизга йўллаган мактубларида ўз ҳаётий кузатишлари, фикрлари билан баъзи асарлардаги ижодкор илгари сурган ғояни маъқуллашса, айрим ҳикоялар тўғрисида баҳс-мунозарага киришадилар. Фикримизнинг исботи учун бир ҳикоя борасида учта муштарийнинг мактубини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Ҳафталикнинг 16 ноябрь сонида Бахтиёр Ҳазратқуловнинг «Карвон қайтар кун» деб номланган ҳикоясини ўқиб қувондим, — деб ёзади бухоролик З. Искандарова. — Мени ёш ёзувчининг ҳаётни теранлик билан кузатиши ва ўзи англаган нарсаларини рамзий йўсинда китобхонга етиб борадиган даражада ҳикоя қилиб бера олиши ғоят қувонтирди. Ахир қачонгача бизнинг карвонларимиз ўргимчаклар қўлида қолиб кетади. Қачонгача бировлар етагида бедаво дардга чалиниб, ўзлигимизни англай олмай ўтамиз? Ахир бу дард ҳаммамизнинг дардимиз эмасми?!»

«Ҳикоянинг ҳафталикда берилгани яхши бўлибди. Лекин унда баъзи мунозарали ўринлар ҳам бор, — дейди сурхондарёлик Т. Воҳидов. — Ҳикояда замон ва макон ишонарли эмас. Воқеа қаерда, қайси жамиятда, қайси вақтда бўлиб ўтади, буни англаш қийин. Шунингдек, унда қатнашган шахслар қандай касалга чалинади, касалликнинг манбаи нима? Асар охирида табиб уйидаги беморни даволай оладими ёки йўқ. Афсуски, ҳикояда бундай саволларга жавоб топиш қийин».

«Карвон қайтар кун»ни икки-уч бор қайта ўқиб ҳам ҳеч нарсага тушунмадим. Ёш ижодкор ҳикоясини нега бу қадар мужмал ёзган? Аниқ, содда, ҳамма тушунадиган қилиб ёзса бўлмайдими? Хўп, ижодкор-ку, шундай ёзибди, лекин бундай ҳикояни ҳафталик ўз саҳифасида бериши шартмикан?» — деб мактуб йўллайди ленинободлик Ж. Ўткиров.

Ҳар бир муштарийнинг адабиётни тушунишда ўз мезони бор. Муайян асарга ҳар ким бу мезонидан келиб чиқиб баҳо беради. Албатта, бу ерда юқоридаги мактублардаги фикрлар ҳақида ортиқча эзмалик қилмоқчи эмасмиз. Биз учун энг муҳими, эълон қилинган асарнинг муштарийларни бефарқ қолдирмагани, уларни фикрлашга, баҳсга чорлаганидир. Фикр юритилган жойда эса ҳақиқат эртами-кечми аён бўлади. Шу маънода «Карвон қайтар кун» ва бу каби ҳикоялардаги ниятни англай олмаган ўқувчиларимиз уларни янада жиддийроқ мутолаа қилсалар, ижодкорлар мақсадларини англаб етадилар, бу асарлардаги замон, макон ва қаҳрамонлар орзуларини ҳам тушунадилар, деб ўйлаймиз.

Ҳурматли ижодкорлар, ҳафталигимизнинг мухлислари, бу кичкина обзоримизда ҳамма ҳикоялар хусусида батафсил фикр юритиш имконияти бўлмади, номларингизни бирма-бир санаб кўрсата олмадик. Лекин янги йилда сизлар энг яхши асарларингиз билан рўзномамиз саҳифаларида фаол қатнашасизлар, деб умид қиламиз.

**НАСР ВА НАЗМ БЎЛИМИ**

Усмон АЗИМ

# КУЗГИ БОҒ

I

Оғирлашиб қолди юрагим —
Ёнса, ўзи олар аланга.
Ботинликда кул айлар ғамин,
Ёшсиз йиғлаб боқар оламга.
У учмайди — тош каби оғир.
Тортар — балки теранлик сари.
Унга ёғар энг ёғий ёмғир —
Етти қават осмоннинг қаҳри.
Унда гуллар бўлади хазон,
Тўқнашади Машриқу Мағриб.
Унда имон айтади азон,
Айриликдан фарёди чангиб.
О, югуриб яшамоқ қайда!
Йўллар, ахир, кетмади қолиб,
Улар ўша — энг оғрир жойда —
Қийнашмоқда ўралиб олиб.
Дунё сўраб йиғлаяпманми?
Оғирлашди, дўстлар, юрагим.
Ҳа, тун тўлган дунё каби бор,
Ҳар томири, ҳар бир бўлаги.
Оғирликнинг гирдибодида
Бузилди тан мувозанати,
Юрак вазмин-вазмин отида
Тамомила забт этди мани.
Мағлуб яна кераксиз хасми? —
Мени ташлаб кетмагин, олам.
Тангрим, сенга керак эмасми,
Юрагидан енгилган одам?

2

Пала-партиш бефаҳм сурон —
Қир-чир оёқларин остида —
Поймоллади мени беомон,
Руҳимни парчалаш қасдида.
Яшарканман ёлғон рўзида
Ўзлигимни аждардай ютдим.
Бошим узра ҳорғин тўзиган
Самоватдан бир нидо кутдим.
Мен чорладим сукунатларни,
Ўзлигимни йиғмоқ-чун бир он —
Танимдаги сукунатларни
Этсин дедим ёлғизлик талон.
Ёлғизликнинг бўм-бўш даштида
Омон қолган юракни очдим.
— Мени ярат!— жонни дастига
Тутдим: — Сочгин! Жонимни сочгин!
Бепоёнлик ичра ўсдим мен,
Беҳудудлик ичра кўкардим.
Ҳувиллаган қаро тунда энг
Қаро ердан танни кўтардим,
Ўзни солди унга сукунат,
Руҳ бахш этди танҳолик унга.
Ва бир нидо негадир титраб,
Булбул каби қўнди бўғзимга.
Нидолангин! Булбул, нидолан!
Азобимда куйлагин эркин...
Кўзни очиб жанг айла, олам,
Кўзгу айла,
Бир нидо бердим.

3

Менинг тош кўнглимни тарошла,
Ишқ, девони шаклингга солгин!
Жонни ғамга ташла талошга —
Дард риштаси тортмасин салқи.
Олиб кетгин — қолмасин осмон,
Ерни тошми, ё ҳаво айла,
Бу дунёнгда қолмасин армон —
Кўнглимни бир ҳақ нидо айла.
Ишқ, сендадир энг сўнгги нажот,
Узат, тоза дастингни узат —
Сен йўқ жойда ғарибдир ҳаёт,
Сен йўқ жойда кишандир узлат.
Кел, қирқ йиллик умримни бузиб.
Кел, қирқ томчи ёшимни ютай.
Ва умримни бир гулдай узиб,
Бир йўлчининг қўлига тутай...

4

Бебахтликда бу кузак бахтли! —
Табиат ҳам қисматга кўнар.
Бугун ҳамма-ҳамма дарахтни
Қучиб-қучиб йиғласам бўлар.
Вазминлик бор улар ўйида,
Вақт олдида фидойилик бор.
Хазонрезнинг ғамгин тўйида
Ҳасрат берган худойилик бор.
Дунё бугун сарғайган чорбоғ —
Ёв бўшлиқлар теграсида,
У ўзидан кетмоқда йироқ,
У — чидамнинг чегарасида.
Пайғамбардай турибди босиқ,
Тўпиғини тутиб аланга —
Мен бир баргнинг ҳасратин ёзиб,
Довруғ солсам бўлар оламга.
Ё бир баргни туғдай кўтариб,
Ўтсам бўлар сўнгги дарс учун —
Элга айлаб бир сўзни тарғиб:
«Тушунсанг-чи! Тушунгин! Тушун!»...
Бир барг дардин эшитдим мен ҳам —
Руҳга кўчдим — таним қолмади.
Тилга кирди тилсимли олам —
Менга бир ҳам ғаним колмади.

5

Хазонлиғнинг азоби ичра,
Ариқ, сувинг бунча покиза.
Тиниқ руҳинг дилимга учраб,
Поклик сари сокин оқизар.
Соҳилчангда жунжикиб ғамгин,
Боқарман сайёҳ баргларга,
Гўё етган бўламан тамкин,
Аллақандай гўзал ҳақларға.
Хазон бўлди бу байтул ҳазан! —
«Оҳ» урмоқнинг етди фурсати.
Сен боғлардан оқиб ўтасан,
Тубинггача ўзни кўрсатиб.
Изғиринлар келди тўлғониб,
Мавжларида япроқлар қалқир.
Қарахтликдан ҳозир уйғониб,
Сенинг билан кетаман балки...
Видоларга тўлган ғариб кун
Сени оқин фаришта этди.
Мен ҳам тиниқ бўлишим мумкин—
Хазон фасли менга ҳам етди.
Кузга чиқдим ўзни ёқмоққа —
Ён, гуноҳнинг барча-барчаси!
Дил тавба қил!
Ана, оқмоқда
Оллоҳимнинг тиниқ парчаси...

6

Бойсунга ҳам кузак келгандир.
Тоғлар бу кун ўсишдан тўхтаб,
Силкинмасдан йиғлаётгандир —
Селда кетган бир тошни йўқлаб.
Уфқларга қараб бесабр,
Тойлигини туш кўрган отлар —
Туйқус-туйқус кишнаётгандир,
Оналарин тўшини ёдлаб.
Сарқамишми, Даштиғозларда,
Кўзларида мунглари кабир,
Ол куйлакли аёллар шомда
Ўтовларни бузаётгандир,
Арчага ҳам етгандир кузак —
Баргин пинҳон тўкаётгандир.
Ҳатто тошлар нимадир излаб,
Ўзларига чўкаётгандир.
Сукунатлар жим чалгандир най,
Диллар дардга тўлаётгандир.
Хабарини ҳеч кимга айтмай,
Оллоҳ қайтиб келаётгандир,
Бўшат, қисмат, бўшатгин дастни! —
Умр келди қирқни қоралаб.
Бойсун томон кетсам бўлмасми,
Ўкиргунча хазон оралаб?
Тан — жонимда,
Жон — танимда йўқ...
О, соғинчга тўлдим мен бунча!
Йўқ, Бойсунни соғинганим йўқ,
Тангрим, сени танигунимча.

7

Хаёлланиб солади разм —
Қиш Туркистон дарвозасида.
Кеч, қарғалар қуради базм
Япроқларнинг жанозасида.
Кўп соғиндим, келгин, дўстгинам,
Умр, ахир, бир тошқин забтдир.
Бугун жоним япроқлар билан
У дунёга кетишга тахтдир.
Талх шаробдан лиммо-лим тўлдир.
Ҳар тарафга оқсин бошимиз.
Бир лаҳзага ғашликни ўлдир,
Бир лаҳзага тинсин ёшимиз.
Ўтди. Ўтди беармон кунлар! —
Хотиралар кули — юракда.
Биз тушунуксиз, бешафқат мунглар
Ичра қолдик яккаю якка.
Кўрмаяпсан — тун ичра туман,
Куздан баттар туманли ҳолман.
Сўнгги они гуллаш истаган
Телбахоҳиш дарахт мисолман.
Озод ичдим умр жомидан,
Ёрилгунча бўзлади юрак.
Боражакман тангри ёнига
Яна фақат азоблар сўраб.
Фаришталар боққуси ҳуррам,
Тангри раҳмат сўзларин айтар.
Мен-чи, тинмай йиғлайман пурғам:
«Қайтар! Менга дўстимни қайтар!..»
Самоватда шамол тинади,
Хаёлга жим толади Раҳмон...
У худодир —
Ахир, билади:
Кетган дўстлар қайтмас ҳеч қачон.

8

Навқирон куз салтанатида
Бир таваккал фитнадир бу он.
Куз титранди ногоҳ тахтида —
О, Ер—Кўкда оппоқ ғалаён.
Бир кунлик қор ёғишларида
На афсус бор, на зарра кадар.
Турфа ранг боғ оғушларида —
Оппоқ, зарин, қизил — қон қадар.
Эҳтиёткор қишдан бўлиниб,
От чоптириб келган телба қор —
Хазонларда кутар ўлиминг,
Бил, бу илиқ кечалар ағёр.
Аммо бордир қандай жасорат,
Сенинг эрка ўйинларингда.
Қоларманми жисмингни асраб,
Ўлсам муздай қўйинларингда.
Фаслларнинг сарҳадин узиб,
Оқ учқунлар отган фариштам,
Кузнинг оғир тартибин бузиб,
Боғларимга жим қўндинг тушдан.
Хазонрезнинг ёнғинларида
Сочдинг оппоқ учқунларингни.
Турфа олов ёлқинларидан
Топдим яна хуш кунларимни.
Нақадар оз омонлик они!..
Пойларимда ғариб ётма, бас.
Сен шу қадар гўзалсан, жоним,
Сени ҳатто оллоҳ асролмас.

9

Тийрамоҳнинг хазонрезида
Руҳим пинҳон топаркан воя,
Англайманки, таним эзилган
Дунёлардан тўзғиган соя,
Шамол каби аллақайлардан
Кўкрагимга урилар сурур.
Аён бўлар, жоним енгилган
Эзгу дунё азоби эрур.
Куз Дўрмонда боғни ёқади.
Япроқларни бетартиб тўшаб,
Дунё менга ғамгин боқади—
Бандаси йўқ тангрига ўхшаб.
Ҳувиллаган Ер—Осмон аро
Дорбоз каби бораман қалқиб,
Бир сатр шеър бўлади пайдо —
Мустабид Вақт ҳукмидан чалғиб.
Боқиб осмон мовийлигига
«Тангрим» деймаn,
Чекаман фиғон:
Бутун олам кирар шу сўзга,
Шу бир сўзда бўлади ниҳон.

10

Эриб битар қанча қор,
Неча ёмғир ёғади.
Неча-неча гулларни
Қовжиратар саратон.
Менинг ойдай умрим ҳам
Қаро ерга ботади.
Мени ташлаб, қайгадир
Ҳовлиқиб жўнар жаҳон.
У билмас — ҳар нафаси
Қабримда берар садо,
Ҳар босган қадамидан
Зирқирайди мозорим.
Сезгум: уни ким сотар,
Кимлар унинг-чун фидо —
Ҳар шарпадан ингранар
Жонсарак руҳим тори,
Жаҳонгирлар шуҳрати
Шамолларда соврулар,
Не абадий замонлар
Лаҳадларга кўчади.
Фалагида фақат қуёш
Уз ўтида қоврилар,
Мингта юлдуз туғилади,
Битта юлдуз ўчади.
Дунё шовқинларини
Мен жимгина тинглайман
(Марҳумга ёруғ дунё
Ташвишлари эмас эп),
Кўзим тупроққа тўлиб
Кўз ёшларсиз йиғлайман:
«Бу дунёга бирор ким
Устун бўлолмади», деб.

11

СЎНГ СЎЗ

Эшқобил ШУКУР шеърига

Ҳаётдан ҳеч қачон қилмаймиз гина,
Савол берсак ҳамки кажрафтор
жимдир.
Укажон, аслида ўлим-ку **НИМА**,
Аммо бевақт ўлим ҳамиша **КИМДИР**.



Сочларим толим-толим

Мирза ҚАРИМ

# БОБУР НИДОЛАРИ

●

Яна юзим шувит. Қиличим синди,
Тағин ғанимларга йўл очди тақдир.
Кипригимга заҳар томчиси инди
Нақадар оғир-ей, нақадар оғир.

Мунгли юрагимни чулғар ғалаён,
Табаррук заминдан айрилиш ўлим!
Шу юрт омон бўлса, бош бўлса омон,
Илоҳо, бир куни боғлангай йўлим.

●

Япроқ сарғаймади — юзим сарғайди,
Чирт узилган баргмас—менинг
юрагим.
Кузнинг сокин куйи мисоли дайди,
Ўқ еган турнадир орзу-тилагим.

Шикаста умримнинг хаста доғига
Мўмиё сингари малҳам қўёлсам.
Армоним йўқ эди юрт тупроғига
Соғинч юзларимни лаҳза босолсам.

●

Онанг кўкрагини тутган маҳали
Ғунча лабинг билан энтиккан замон.
Дилбандим, менга ҳам келмиш-ей гали
Дея талпинурман Андижон томон.

«Ўзинг қўлла дея ёлғиз оллоҳим!»
Ўксик дардларимни ўксиб айтурман.
Ҳинду тоғларида бўзлайдур оҳим
Бўзланган оҳим-ла бир кун
қайтурман.

●

Ато этган эди бир бора умр,
Кўкрак кериб ўтдим, бошим
сарбаланд.
Пешонамга ёзиб қўйгандек сурур
Ўзга юрт шуҳратин кўтардим баланд.

Ато этса эди яна бир умр,
Шохлик либосини ташлаб кетардим.
Майли, юрагимда ёнмасин шуур
Юртим тупроғига бошлаб кетардим.

●

Шукур-ей, изимдан туёқлар қолар,
Мусофир юртларнинг эсар насими.
Кўзи қора ўшал — туркий боболар
Қанийди, бир бора эсласа мени!
Ёшим ўтиб борар, соғинч авж олар,
Дилхаста юрагим қийнайди мени.
Қоши қалам ўшал — туркий момолар
Қанийди бир бора эсласа мени!

●

Мана сенга, жигар беш мисқол кумуш
Шу юртнинг таянчи бўлганинг бўлсин.
Сендай мардлар ила чекинди уруш
Хонадонинг нурга тўлгани тўлсин.
Жигарим, юрт дея сарсон юрсам-да,
Она замин доғи ўртар ҳар нафас.
Ийманмай олавер, азиз юртимда
Полизда қовунни сотмоқ расм эмас.

ҚУТЛИБЕКА

# ҚУВОНЧЛАРИМ, ДАРДЛАРИМ

## МЕНИНГ ТЎРТ ДЕВОРИМ

«Тўрт девор ичида қолиб кетяпсан, аҳволингни қара, сенга ачинганимдан айтаман, хафа бўлмагин...» Дугонам яна нималардир, деди, қолган гаплари қулоғимга кирмади, хўрлигим келди. Унинг кўзига бешбаттар ғариб бўлиб кўринмаслик учун хайр-хўшни қисқа қилиб уйимга кирдим. «Қувончларинг кичрайди, дардларинг ҳам»! Дугонамнинг менга «ачинганидан» айтган яна битта гапи тўрт деворимдан акс садо беради, қисилиб кетаман. Айвоннинг деразаларини очиб ташлайман. Совуқ шамол отилиб киради. Дорга тизилган иштончаларга урилади. Ювилавериб ўнгиб кетган иштончалар осилиб қолган ингичка, узун оёқчаларга ўхшаб тебранади. Аравачада қалашиб ётган ярадор, яланғоч ўйинчоқлар қунишиб ғужлашади. Меҳмонхона пардалари қалтирайди, столдаги газета-журналлар бир-бирини тарс-тарс уради... Совқотаман, ҳамма нарса кўзимга хунук бўлиб кўринади. Пальтомни елкамга ташлаб бу тўрт девордан шартта чиқиб кетгим, узоқ-узоқларга кетгим келади, бирдан...

Бирдан ётоқжойдан ўғилчамнинг «Ая» деган товуши эшитилади, бўшашаман, у яна ёшига мос бўлмаган йўғон овозда мени чақиради, югуриб олдига кираман, бағримга босаман, ичимга илиқлик кириб, кўзларимга ёш келади.

— Аяжон, нега мени бугун ҳам сиз олиб келмадингиз? Шоира опам билан келдим-ку яна.

Сал ўтмай қизчам боғчадан гина билан кириб келади ва дарров гинасини унутиб, ўзига талпинаётган укачасини ачомлайди, икковлари юмалашиб бўлар-бўлмасга хохолашадилар. Чироқларни ёқаман: деразам тагига келиб қолган қоронғулик орқага тисарилади, овқатга уннайман.

Эшик шарақлаб очилади:

— Адам келдилар, адам!

— Ата, ата...

Кўришувлар, арзи ҳол. айтишлар... Дадалари «Айтганингни олиб келдим» дегандай тўрхалтани баланд кўтариб кўрсатади-да, бижиллашиб ётган болалар қуршовида айвонга ўтади.

— Мен боғча опамга «қўғирчоғим Наташа»-ни айтиб бермадим. «Мажнунтол»ни айтдим, сизгаям айтайми?

— Айта қол, онашим!

— Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Энди у йиғласин, мен йиғлаб бўлдим!

— Балли, бугун бошқа шеър ўрганамиз:
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!

Изоҳлар, такрорлашлар... ҳалигина пасайиб бошимга тегай деб қолган шифт баландлайди, сиқиб келган деворлар изига қайтади, ихлос билан хамир қораман.

## МУҲАББАТИНГГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Мен биламан: У яна Ўшанисининг олдига кетган. Сен эса: «Дадамиз Хоразмга кетдилар. Шу кеча момомизни туш кўрибдилар, хавотир бўлиб, хабар олгани жўнадилар», — дейсан кўзимга қарамасдан.

Мен биламан: У яқинда олган мўмайгина пулини яхши-ёмон дўстлари даврасида ебичарга совуриб юрибди. Сен эса: «Дадамиз «Қизингга ташлаб қўй», деб манавини олиб келибдилар, кўринг-чи», — дейсан ҳамон кўзимга қарамай. Ҳолбуки, ўзинг «Манови»ни болаларингнинг нафақасидан тийинлаб сотиб олгансан.

Мен биламан: У...

Йўқ, сен «у» ҳақда ҳеч ким ғуборли сўз айтмаслигини истайсан.

«Дадамизнинг кийимини алоҳида ювдим, болаларникига қўшиб бўладими, у кишининг кўнгиллари нозик...» «Дадамизнинг кийимлари орасига солиб қўяй деб ялпиз олиб келяпман, қуритиб қўйсам...» «Дадамиз, дадамиз...» Сен тилингнинг учига асал қўйиб сўзлайсан. Ўзинг гўзаллаштирасан, баландга кўтарасан, одамларга ўша баландликдан кўрсатасан Уни.

Синглим, синглим каби азизим. Мен сенинг на ҳақорат, на хиёнат енга олмаган шу кучли муҳаббатингга ҳавасим келади ва шундай муҳаббатнинг қайтими борлигига астойдил ишонаман.

## КЕЛИНОЙИМ

Мана шу муштдай жуссали аёл — менинг келинойим. Тез-тез хастланиб турадиган онамга ҳам ўзи, ҳам мен бўлиб куюнадиган: бутун бошли бир катта қишлоққа туп қўйиб, палак ёзган қариндош-уруғларимнинг тўй-азаларида ҳам ўзи, ҳам мен бўлиб хизмат қиладиган келинойим шу.

Яна ҳеч қачон дастурхонга ёлғиз ўтирмайдиган акамнинг ёру биродарларини кутиб-кузатадиган, кафтдай томорқанинг даромадидан еттита қоракўзини едириб-ичириб, кийинтирадиган келинойим шу.

Яна «Қиз боланинг ўлгунча ота уйидан ҳақи бўлади», деб менга Тошкентга келиб-кетарлардан ой сайин гоҳ беш-олтита патир, гоҳ беш-олти килограмм гуруч, гоҳ новвот юбориб ўтирадиган келинойим... Ҳозир рўпарама-рўпара ўтириб нонушта қиламиз: кўзгу унинг қош-кўзларини аллақачон унутган, қўллари каноп пўстидай дағал... Бироқ у менинг кўзимга шу қадар яхши, шу қадар беқиёс кўринадики, ёнида ўтириб соғинаман... Лекин унинг кўзининг оқу қораси ўғлини — мусофир ўғлини тор уйимга сиғдиролмайман. Жияним ётоқхонада туриб ўқийди. Ҳар гал келинойим билан дийдор кўришганимизда мен ўзимни унинг олдида айбдор сезаман, ич-ичимдан эзиламан. Лекин келинойим бу сафар ҳам на таъна қилади, на гина.

— Ол, қуруқ ичма, туршак билан қўшиб ол, — деб мени қистайди. Ўзи эса чойга юмшатилган қаттиқ нонни тишсиз оғзида секин айлантиради.

## ИШЧАНЛИГИМ БАҲОСИ

Ўртоғим, эҳтимол, бу воқеани аллақачон эсидан чиқариб юборгандир. Агар унутмаган бўлса ҳам, менга сездирмайди.

Ўша пайтда журнал редакциясида ишлардим, елкамда қора бошимдан бўлак оғирлигим йўқ, «ишчан» деган ёрлиқ доим исмимнинг пешонасида, учиб юраман. Инқилоб байрами арафасида катта бир идоранинг катта раҳбаридан интервью олиш менга топширилди. Раҳбар билан кўришувим жуда қийин бўлди. Охири бош муҳаррир ўртада туриб зўрға учрашиш соати тайинланди. Энди ашқол-дашқолларимни ҳозирлаб кетаман деб тургандим, қўнғироқ бўлди. Ўртоғим — ўзимдай бу шаҳарга мусофир ўртоғим.

— Имконинг бўлса, бирров келиб кет, — деди, хасталиги овозидан шундай сезилиб турибди. Олти ойлик чақалоғи бор, бунинг устига, у жуда муҳтож бўлмаса, бировдан бир нарса илтимос қилмайди. Бир ёқда, машҳур раҳбар, дабдабали, ёруғ сўзларга тўла интервью... сўнг мақтовлар... Бу ва яна у-бу деб ўзимча маслаҳат ҳам берган бўлдим ўртоғимга. Қабулхонадаги кутишлар, тавозе билан жилмайишлар... ва ниҳоят, «Бу бахтни менга ҳеч ким эмас, Буюк Инқилоб берди» қабилидаги гаплардан дафтар тўлдириб, ўртоғимникига келдим. Эри ишдан қайтибди, бу ёғидаги менинг меҳрибонлигим ортиқча эди.

Энди ўзим ҳам оилалик, фарзандлик бўлдим, гоҳ бошим ёстиққа тегиб, болаларим қаровсиз қолади. «Бирор кимса келиб, шуларга бир қошиқ иссиқ ичириб қўйса эди», деб эшикка телмуриб ётган пайтларим бўлади. Шунда ҳув бир пайтдаги фахрланиб юрганим — ишчанлигим баҳоси оддий одамгарчилик олдида кўр чақага ҳам арзимаслигига иқрор бўламан.

## СИЗГА ҚАНДАЙ ИШОНАЙ

Уйим пастда бўлгач, истасам-истамасам, бу манзарага кўзим тушади.

Соат тўққиз ярим. Хизмат машинангиз сизни кутиб турибди, ҳайдовчи магнитофонни баланд қўйиб, ашула эшитиб ўтирибди, завқли.

Соат ўн. Машинангиз ҳамон Сизни кутмоқда. Ҳайдовчи газета варақлаяпти, тез-тез деразангизга қараб қўяди.

Соат ўн ярим. Кутиш давом қилмоқда, ҳайдовчи машина эшигини очиб, чека бошлаган: асабий.

Соат ўн бир. Ҳаммаси аввалгидек, фақат ҳайдовчининг юзи кўринмайди, у рулга ётиб олган. Ниҳоят, зинапояларни битта-битта босиб Сиз тушиб келасиз: уйқуга, овқатга тўйган, озода кийинган, улуғвор... Ҳайдовчи шошиб эшикни очади, майин табассум қилади.

Эй, «ҳурлик учун югураяпман» деб ҳаммани ишонтириб юрган ҳайдовчи.

Эй, «Мен ҳурликка бошлайман» деб ҳаммани умидлантириб қўйган даҳо.

Энди мен сизларга қандай ишонай?!

## УЯТЛИ ИҚРОР

— Ая, бу ким? — деб сўрайди қизчам маъюс кузга тириклигидагидай маъюс тикилган ҳайкални кўрсатиб.

— Бу шоир Пушкин — сенга атаб гўзал эртаклар ёзган, ўқишни ўргансанг, китобларини бераман. — дейман.

— Бу-чи, аяжон, Қоработирми? — дейди қизчам бошқа бир ҳайкал қаршисига келганимизда кўзларини ола-кула қилиб. Ҳайкалнинг кимлигини айтаман.

— У бизни босиб кетади, ҳайдаб юборинг.

— Нега? — дейману баҳайбат ясалмага ўзим ҳам илк бор астойдил қарайман: босса босгудай — қоп-қора оти осмонга сапчийди; қўлидаги қиличи ҳам кесса кесгудай. Қуролланган отлиқ худди кимнингдир «Ҳа, бўл» дейишини кутиб тургандай... Ичимга ғашлик киради.

— Юр кетамиз, бу ердан қизим.

Қизчам анчагача жим кетади-ю, бирдан тўхтайди.

— Ҳайдаб юбормадингиз-а, ая, қўрқдингизми, катталар ҳам қўрқадими?

Ҳа, ширинним, таъна қилишга ҳақлисан, биз — катталар, ҳатто, ҳайкалга айланиб бўлган босқинчиларни ҳайдашдан ҳам қўрқиб турамиз.

## ИЛК ТАРБИЯ

Туғруқхонадасан. Жигарларинг минглаб чақирим йироқда. Аксига олиб, эринг ҳам ётиб қолган. Қизиқ, зурриётинг ёруғ дунёни кўрган лаҳзадан сенинг шўрва ичгинг келади. Оч қолаётганинг йўқ, ҳукумат уч маҳал иссиқ овқат билан боқиб турибди, ўртоқларинг ҳам ташлаб қўйишмаган, келиб туришибди кими қаймоқ, кими кабоб кўтариб, сенинг эса кўз олдингга фақат шўрва келаверади. Ичсанг, гўё гуркираб сут келиб кетадигандай... Малласоч ҳамхонанг, мижози бошқами, нуқул кўк ўт, олма ейди, «ҳозир бизга витамин керак, ол» деб сениям қистайди. Сенинг эса...

Деразага тикилиб узун «уҳ»лайсан, чойнагингни кўтариб, ошхонага кирасан. Бирдан газ плитаси устида мўъжазгина оппоқ идишчада буғланиб турган шўрвани кўрасан, худди сен орзулагандек: қип-қизил, иссиқ. «Кимгадир олиб келишган, ўша пайтда ичмагану энди иситяпти», деб шивирлайсан негадир суюниб. Атрофингда ҳеч ким йўқ, столда топ-тоза тарелкалар тахлаб қўйилган. «Озгина қуйиб оламан, озгина. Барибир бир кишига кўплик қилади, барибир увол бўлади», — дейсан. Қўлингни тарелкага чўзасан.

Шу пайт қаердандир овоз келгандай бўлади: «Сут билан кирган жон билан чиқади». «Наҳот, ўғлим, тилаб олган фарзандим ўғирлик қилади?!» Хаёлингга келган фикрдан қўрқиб кетасан, гўё ҳозироқ боланг бировнинг чўнтагига қўл тиқаётгандек вужудингни титроқ босади. Югуриб ошхонадан чиқасан.

## МЕНИНГ ЎЗБЕКГИНАМ

Ёмғир қуйиб ётибди.

— Тезроқ бўла қол, уканг ёлғиз қолди, уйғонса, йиғлайди, — деб шошираман қизчамни.

— Гулсарвар-чи, уни кийинтирмайсизми?

— Ҳозир аяси келиб уни ҳам олиб кетади.

— Йўқ, йўқ, уни биз олиб кетамиз. Гулсарварнинг аяси мени олиб кетган, опасиям.

— Мен аравача олиб келганман, икковинг сиғмайсизлар, — иложи борича қизчамни яхшилик билан кўндиришга уринаман.

— Арава ўзи юради, биз икковимиз оёғимиз билан борамиз. — ўжарлик билан оёқ тирайди у...

— Қара ёмғирни! Шамоллаб қоласизлар, кейин Насиба холанг укол қилади сизларни.— Энди алдашга ўтаман. Қизчам орқасига қарай-қарай боғчасидан чиқади. Гулсарвар ҳам эшикнинг ойнасига юзини босганича бизни кузатиб туради. Кўп юрмаймиз:

— Аяжон, жон ая, ўртоғим қолмасин, мен тик тураман, у ўтиради, укам билан шундай қиламиз-ку, сиғамиз-ку аравага.

Уч ярим яшар қизим, ўжар, қайсар, унча-мунчага ялинмайдиган қизим астойдил ялинади. Вужудимга бир ғурур тўлқини ёйилади: «О, бировларнинг мурувватини унутмайдиган менинг жажжи ўзбекгинам» деб овозсиз суяман уни. Сўнг аравачани панароқ жойга қўйиб, боғчага қайтиб кираман.

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

# ИЧАМИЗ, ИЧАМИЗ, ИЧАМИЗ!

**Аҳмаджон МУХТОРОВ, СССР халқ депутати**

БУНЧАЛИК ЎЗГАРИБ, мутлақо бошқа одам бўлиб кетарман деб сира ўйламагандим. Ҳозирги ҳолатим етти ухлаб тушимга кирмаганди. Йигирма йиллар муқаддам вилоят рўзномасининг муҳаррири эканлигимда кўнглимни беҳузур этадиган ҳақсизликлардан эзилиб, айниқса «алиф»ни «лом»дан ажратолмайдиганларнинг ошиғи олчи бўлганида, пулдору амалдорнинг ғўра фарзандлари кўз очиб юмгунча мансаб зинапояларидан сакраб фирқа қўмитасидан ошён топганларида, кеча-кундуз қалам тебратиб, қарзу-қаволага ботганимда баъзан шундай хаёлга борардим: «Қуриб кетсин ҳаммаси! Шундан кўра Зарафшон қирғоқларида ғўзага ишлов берганим, Нурота яйловларида қўй боққаним, Боғибаландга чиқиб анжир ўстирганим яхшийди. Лаънатлар бўлсин ғирром сиёсатга!».

Йўқ, бу дарддан қутилиш қийин. Домига тушдингми — дилингни ўртаб, мискинлик ва тушкунлик ўтида қоврилиб, узоқлардаги маёқнинг ёниб-сўниб турган шуъласидан илинж кутиб, қўрқиб-писиб, бир тутамгина умрингни ўтказаверасан...

Кечаги, номига дам олиш, аслида ташвишу тараддуд, хушу нохуш кунда дилимдаги минг бир чигиллардан ягонасини бўлса-да ёзиш ихтиёри ила қўлга қалам олдим.

...Ҳаётимда биринчи маротаба, бундан ярим ой муқаддам кириб келган «янги йил»да на бировни қутладим, на бировнинг табригини ҳазм этолдим. Бефарқлик, лоқайдликдан эмас, албатта. Бунинг боисини гоҳ англаб, гоҳ англамай саросарлигимча қолдим.

Аслида сабабсиз эмасди... Жойлари жаннатнинг Боғи Эрами тўрида, Ҳавзи Кавсари бўйларида бўлгай — падари бузрукворим Ғуломмирза ибн Мухтор эскидан саводхон, Қуръони каримни Қозоғистоннинг Аягўз чўлидан Олмониянинг маҳв этилган пойтахтигача ёнида олиб юрган, етти яшарлигидан тўқсон учигача (уруш жанггоҳлари бундан мустасно) беш вақт намозу қирқ кун рўзани (ўттизга ўнни қўшиб) тарк этмаган, макруҳу муртад ичкиликни оғзига олмаган, ҳаромга қўл урмаган, туркий ва форсий шеъриятдан минглаб мисраларни, «Иброҳим Адҳам»ни, Машрабу Яссавийни кўзда ёши билан ёддан айтадиган зоти шариф эдилар.

Одатимча арафа кунларида қўлда сўйилган қўй гўштидан икки килосини, Самарқанднинг пўлоди нонидан тўрттасини, қанд-қурсни қўлтиқлаганимча отам билан онамнинг офтобдек дийдорларини кўриш, ажинбанд пешоналаридан ўпиш, қўлларини тавоф қилиш мақсадида қадрдон хонадонга кириб борардим. (Бу соатларни эслаганимда юрагим такка тортиб, киприкларим намланади, «Эҳ дунёи бебақо!» деб қўяман).

— Байрам муборак, дадажон, аяжоним! Бахтимга эсон-омон бўлинглар!

Отамнинг қошлари чимирилади, қовоқлари уюлади, феъллари тундлашади, ниҳоят — вазмин, маъноли луқма ташлайдилар:

— Қанақа байрам?

— Эртага...

— Қўйинг бу гапларни, байрам сизники, мулло Аҳмаджон, ўзингиз кайфу сафони кўраверинг, бизни тинч қўйинг, барака топкур...

Ўшанда мен ғофил банда ранжиган ва Сизларни ранжитган бўлсам, хоки покларингизу руҳи беозорларингиздан минг бор узру тазарру сўрайман.

Кўзларим кўр, қалбим асир, тилим гунг, онгим қул, борлиғим банди экан...

Эсимни таниб-танимай байрам кутаман. Ўғлиму қизларим, келиниму куёвларим эсларини таниб-танимай байрам кутадилар (Бизни хушнуд этиб, бир неча кун Тошкентда юрган тўққиз яшар неварам Зилолаой жанжал кўтариб, Самарқандга кетиб қолди — иккинчи январда «утренник» бор экан. «Ленин бобомлар» шеърини ўқиб бераркан).

Фақат менми байрам кутадиган? Йўқ — биз, сиз, улар — етти яшардан етмиш яшаргача — ҳаммамиз, бутун жамият, борлиқ жонлигу жонсиз, замину осмон, туну кун байрам кутади.

«Қанақа байрам?» деб сўрайдиган, маънисини ўйлайдиган азамат йўқлигидан, топилмаётганидан доғдаман!

Бировларнинг янги йилини мутеларча қабул қилиб, ўрмонлардан кесиб келтирилган нинабарг арча атрофидан айланиб байрам қиламиз. Тун бўйи уйқу йўқ. Аввал шаҳримизни, сўнг жумҳурият пойтахтининг, кейин (Тошкентда соат учда) Москванинг бонгини эшитамиз. Атрофимизда ёшяланг, гўдагу мурғак, чолу кампир бедор. Бир тўда бебош кўчада мушакбозлик, ҳуштакбозлик, балон ёндириб атрофни саситиш, томларга тош отиш, ўткинчининг йўлини тўсиш, қўлини қайириш билан банд. Офтоб ботмай бошлаймиз-у, қуёш чиққунча ва яна эртаси куни билан давом эттирамиз.

Ичамиз, ичамиз, ичамиз...

НАФАСИМИЗНИ РОСТЛАБ улгирмасдан 23 февраль келади. Қизил Армия Туркистоннинг парчаланиб кетишига қанчалик ҳисса қўшганини, Фрунзе, Куйбишев, Будённий ва бошқалар жафокаш тупроғимизда не-не кароматлар кўрсатишганини, «босмачи», «қулоқ», «колхозга қарши», «халқ душмани», ҳоказо-ҳоказо тамғалар пешонамизга босилганини, алп ўғлонларимиз жасади солинган очилмас тобутлар аввал афғонлар юртидан, ҳозир эса Россиядан келтирилаётганини, қуролли кучлар мамлакат фуқаросига қарата ўқ узаётганликларини ўйламай-нетмай байрам қиламиз.

Ичамиз, ичамиз, ичамиз...

Саккизинчи март қаердан чиқди ўзи? Нега энди нурхонларимизни, гулсаралаunion римизни қурбонликка бериб, қизу аёлларимизни шарму ҳаё гулшанидан бешармлигу беҳаёлик, меҳнату машаққат кўчасига ҳайдаб, «Ҳуррият», «Ҳужум» байроқлари остида бирлаштириб, Алло таоло бахш этган ҳусну тароватдан, ақлу заковатдан, қудрату мурувватдан жудо этдик? Бу ва бошқа фалокату ҳалокатлар билан ишимиз йўқ — байрам кутамиз, хотин-қизлар баҳона биз, эркаклар базми жамшид қурамиз, эртамизни, зоту зурёдимизни ўйлаб ўтирмасдан жуфту ҳалолимиз қўлига ҳам (худонинг ўзи кечиргай!) қадаҳ тутамиз.

Ичамиз, ичамиз, ичамиз...

Биринчи майни бундан бир асру бир неча йил муқаддам Амриқонинг Чикаго шаҳри йўқсиллари исёнкорона бошлаб беришган экан. Бирдамлик рамзи деймиз. Бирдамлик деб бурдаландик-ку, ахир! Нега яна эсимиз кирмайди? Мен ҳар гал ёқа ушлайман: даҳоларнинг кимлигини билмай туриб, минбардан ташланган шиорларга қарсак чалдик. «Бутун дунё афгор оммаси халоскори улуғ Сталин» шарафига олқиш айтдик. Ислоҳотлар ўтказа-ўтказа давлатни хароб этган, эшигимиздаги қўй-эчкига, сигиру бузоққа қирон солган, тарихда биринчи бор ўзидан олдинги подшоҳ жасадини жойидан қўзғатган Хрушчевни олқишлаб қарсак чалдик. Афғонистон фожиасининг бош ташаббускори, Ўзбекистонни пахта қулига айлантирган Брежневни алқаб қарсак чалдик. Демократия деганда қадамимизни ўлчатган, оғзимизни пойлаган, аммо ҳар ҳолда интизом ўрнатмоқни истаган Андроповни меъёридан ошириб таърифлаб, бемор ва қартанг Черненкога ҳам қарсак чалдик. Қайта қуриш шарофатими, касофатими — билмадим — ҳозирги аҳволу руҳиятимизни тавсифлаб ўтирмайман, яна даҳоларга қарсак чалаяпмиз. Қарсакдан қаварган қўлларимга дам бериш ниятида «Баҳор ва меҳнат байрами» намойишидан сўнг Самарқанд кўчалари, майдону хиёбонларини кузатиб, ҳар гал ёқа ушлаганман: ахлату исқирт, чангу тўзон, лашлуш, қоғозу латта-путта, фалокат, ҳарому ҳариш аралаш-қуралаш... Қани у одамлар денгизи, қани у яловлару шиорлар тўлқини, қани у чақириғу бақириқлар, қани ҳамду санолар ва яна алланималару алланарсалар? Беҳуда, бефойда, бесамар бу от бозори, бу қий-чув, бу ура-ура камбағалнинг яғир елкасига шаҳарда неча ўн минг сўмлик, вилоятда неча юз минг сўмлик, жумҳуриятда неча миллион сўмлик, мамлакатда неча миллиард сўмлик юк бўлиб тушдийкин? Бунисига бепарвомиз — амалдорнинг дастурхони ёрилгудек, меҳнаткашники фақирона — ўзига яраша. Лекин таомилни бузиш йўқ:

Ичамиз, ичамиз, ичамиз...

Сархушлигимиз тарқаб улгурмаган: «Буюк ғалабага шон-шарафлар!» Қанақа ғалаба ўзи? Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Темур Малик... номлари билан боғлиқ эмасми? Йўқ, нималар деяпсиз, уларни кўмиб юборганмиз, унутиб бўлганмиз-ку! Буниси фашистлар Олмонияси (ҳозир бирлашиб олган) устидан эришилган музаффарият муносабати билан. Қон тўкилган, жон берилган, жангу жадал эвазига кўтарилган байроққа шак келтиришда мени айбламасликларининг олдини олиб, мухтасар бир фикрни айтиб қўя қолай: Сталинградда (ва бошқа) жанглар олдидан ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркманнинг ҳар беш нафарига биттадан милтиқ бериб, ҳужумнинг олдига солганликлари чиппа-чин, ҳақиқат. Мен нима учун шаҳид бўлишга тайёр эканликларини ҳатто ўйламай ўққа учраган тоғам Соли, амакиларим Қули ва Раҳим, қайнотам Аббосқул, Сталин билан Жуковдан ташаккурномалар олган, хизматлари эвазига қирқ тўққиз сўм нафақа теккан қиблагоҳим хотираларини ҳар тун эслаб, фотиҳа ўқиб ётаман.

Энг каттаси, биз табаррук, муқаддас, улуғ, шаксиз билганимиз Октябрь келди. Йўқсиллар тўқларни, ҳуқуқсизлар ҳуқуқий ҳукмдорларни зўрлик воситасида ағдариб ташлаган, қонлар оққан, подшоҳнинг бешикдаги норасидаси ҳам қатл қилинган, бизнинг ўлкамизга бўрони етиб келган, ҳаммамизни бир хилликка ундаган, одамларимизни мусофирликка қувган тарихий кун. Нималарга эришган ё эришмаган, социализмни қурган ё қурмаган, коммунизм сари йўлдан адашган ё адашмаган бўлсак, хуллас — неки савобу уволимиз бор — жаҳоншумул шу воқеа билан вобаста. Майли, ўтган ишга салавот — еттинчи, саккизинчи ноябрь — байрам тантаналари!

Ичамиз, ичамиз, ичамиз...

Нима, байрамлар тугаб қолдими? Хотиржам бўлинг, уруғи сероб: уч юз олтмиш беш кундан бир юз саксон икки ярим кун шодиёна. Ўрмончилар, балиқчилар, фазогирлар, учувчилар, барча қўшин турлари, матлуботчилар, чегарадагилар, денгиздагилар, кашшофлар, комсомоллар, саноатчилар, муаллимлар, табиблар, олимлар, нурчилар, гулчилар ва, ниҳоят — 30 декабрь, яъни бошимизни қўшиб, миллатлару элатларни бирлаштириб, порлоқ истиқбол, нурли келажак сари бошлаган сана — СССР туғилган кун!

Ичамиз, ичамиз, ичамиз...

Бирортасини унутмадик, шак келтирмадик, пайдо бўлишини, мазмун-моҳиятини суриштирмадик, олдимизу орқамизга қарамадик. Ичдик ва ҳамон...

Ичамиз, ичамиз, ичамиз...

Ичганимизда... ўтмишимизни, тарихимизни, урф-одатларимизни, расму русмларимизни, турфа анъаналаримизни, ҳайиту сайилларимизни, байраму тантаналаримизни, миллату миллийлигимизни, авлоду аждодларимизни, ўлигу тиригимизни — ҳаммасини қўшиб ичиб юбораёздик.

Дунёдаги қайси элу элат шу кўйга тушган, мустабидлик ботқоғига бизчалик ботган, айтинг! Билмасам, билдиринг, ғалат гапирган, хато қилган бўлсам, худо хайрингизни берсин — тўғриланг!

...Менинг кўзим очилди, ақлим кирди, виждоним туғён урди.

Наврўзимни — Янги йилимни тонг ёришмасдан кутиб оламан. Рамазонда савобталаб қарияларимизга ифтор оши бераман. Ҳосил байрами, Қўзи байрами, Еру сув байрами... менинг байрамларим бўлади. Тўй-томошадан, эрталабки ошдан қолмайман. Жоназаю таъзияда дуога қўл очаман. Масжиду мадрасаларни зиёрат қиламан. Ўтганларим хотираси ҳамиша ёдимда.

МЕНИНГ ЎЗ ДИНИМ, диёнатим, меҳробим, имоним, эътиқодим, миллатим, ўтмишим, бугуним, умидбахш келажагим бор!

Энди куфрга қўл урмайман, ўзга байрамларга қиё боқмайман ва қасамёд этиб, сизлардан ўтиниб сўрайман:

Ичмайлик, ичмайлик, ичмайлик!

# ИСЛОҲНИНГ ВАҚТИ ЕТДИ

БУ МАВЗУДА кўп ёзиляпти, кўп гапириляпти. Амалий ишлар ҳам қилиняпти. Лекин кутилган фойда кўринмай турибди. Тўғри, бу масала бир неча ойда ҳал қилинмайди. Биз балки ижобий ўзгаришларни йиллар кутармиз. Лекин назаримда айрим ўзгаришлар ҳозир ҳам ниш бериши мумкин эди.

Мен фарзандларимиз, укаларимизнинг ҳарбийдаги аҳволлари ҳақида кўп қатори фикр юритмоқчиман. Яқинда Ёзувчилар уюшмасига уч аскар йигит кириб келди. Тўғрироғи, кийимлари қатирмоч бўлиб кетган, афтодаҳол йигитларни шоҳбекатда кўрган таксичи ёзувчилардан ёрдам истаб шу ёққа бошлаган. Аскарликдан қочган бу йигитларни кўрган дийдаси қаттиқ одамнинг ҳам кўзига ёш келади. Озғин болалар, кийимлар одам устида эмас, ёғоч илгичга илиб қўйилгандай шалвираган, товони едирилган қўпол этик ичида ингичка оёқ ўйнаб юргандай... Кўзлар қизарган, тил гапга айланмайди. Уларнинг аҳволларини биров айтиб берса ишонмас эдим. Бизда «бурч» деган тушунча бор. «Йигитлар Ватан олдидаги бурчларини фахр билан ўташлари керак» деймиз. Ўша ҳавойи тушунчага суянадиган бўлсак, биз бу йигитларга «хизматдан қочиб яхши иш қилмабсизлар. Йигит киши қийинчиликларга чидаши керак, Ватан сизга ишонган эди» деган гапларни айтардик. Шу гап тилимиздан учганда, «Сизлар олчоқ, халқига хиёнат қилгучи зотларсиз» дейишса минг карра ҳақ бўлардилар... Энди ҳисларга берилмай муддаога ўтсам.

Уч аскар болага қараб ўн уч-ўн тўрт ёш берасиз. Ушоққина, нимжонгина болалар. Уларни қайси виждонсиз тиб ходими «ҳарбий хизматга ярайди» деб имзо чекди экан? Мен аниқ биламан, ўзим ҳам ҳарбий хизматда бўлганман, саломатлиги мутлақо ёмон болалар ҳам «яроқли» деб тамға босилиб юборилаверилади. Мақсад — белгиланган режани бажариш. Тутқаноғи бор, юраги хаста, кўзи яхши кўрмайдиган, қулоғи кар болалар ҳам биз билан хизматга боришган. 1—2 ой ичида аҳволи ёмонлашгач, изига қайтарилган. Бу ҳол неча ўн йиллардан бери қайтарилади. Лекин мен шу вақтга қадар «нима учун хаста болани «соғлом, ҳарбийга ярайди» деб имзо чекдинг» деб жазоланган дўхтирни учратмадим. Тиббий кўрикда неча йиллардан бери пора олинишини ҳамма билади, лекин бирон-бир порахўрнинг фош этилганини ҳали эшитмадик. Президент фармонида, тиббий кўрикка ҳам алоҳида эътибор берилган. Қўшимча чоралар белгиланган. Лекин бу фармонда порахўрлик пайини қирқиш ҳақида калима йўқ. Хаста, нимжон болани ҳарбийга жўнатган дўхтирларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида сўз йўқ. Суҳбатларнинг бирида фазогир Жонибеков «нима учун ўзбеклардан фазогир йўқ?» деган саволга «ўзбек йигитларининг соғлиги тўғри келмайди» деган эди. Ажаб, самога учишга саломатлигимиз тўғри келмас экан, қарийб йигирма миллион одамдан битта соғлом йигит топилмас экану, жазирамада ёки қаҳратон совуққа олиб бориб ишлатиш мумкин экан. Мантиққа қаранг!

Сариқ касал, жигар хасталиги дарров тузалмайди. Шундай экан, 14 —15 ёшида оғриган болаларни ҳарбийга чақиришдан тийилиш керак эмасмикан?

Бу гаплар ҳарбийга чақирилишдаги дастлабки босқичга тегишли. Иккинчи босқичи ҳарбийга кузатиш. Фарзандимизни қандай кузатамиз? Минг овораи сарсонлик билан. Ота-оналар вилоят ҳарбий комиссариатида кунлаб овора бўлиб юришади. Депаралардан келганлар кўчаларда ётиб қолишади. Бирон бир инсоф эгаси йўқки чиқиб «ўғлингиз фалон соатда, фалон жойга жўнайди» деса. Ота-она шу вақтда келса, ўғлини кузатса. Йўқ, ҳарбийларимиз ҳали бу оддий маданиятга етиб келишмаган шекилли. Улар бу бола ота-она юрагининг бир парчаси эканини, ўн саккиз йил бағрида авайлагани — жигаргўшасини икки йилга узатиш ниҳоят оғир эканини ҳис қилишмаса керак. Уларнинг бу ҳиссизлигига қараб «ўзининг ҳам фарзанди бормикан?» деб ўйлайсан. Тўғри, уларнинг касби қатъийликни, совуққонликни талаб этади. Лекин улар қатъийлик билан қўполлик, совуққонлик билан бемеҳрлик орасида ер билан осмонча фарқ борлигини англаб етишлари керак. Ота-оналарнинг бир неча кун сарсон бўлиши фақат маънавий эмас, моддий зарар келтириши аниқ. Ахир қанча одам неча кун ишга бормай юради, бунинг зарарини ким ҳисоблайди, ким тўлайди?

Энди учинчи босқич — йўл. Ота-онасидан ширинсўз эшитиб улғайган бола ҳарбийлар қўлига ўтиши билан биринчи кўргани — қўполлик, сўкиш бўлади. Зобитлар (офицерлар) оғзига келганини қайтармайдилар. Ўзбеклар, умуман мусулмонларнинг бунга кўникиши қийин. Она бағридан узоқлашаётган болага «онангни...» деб турса қандай чидасин? Шу ўринда зобитларнинг маданияти масаласини кун тартибига қўйиш керак.

Тўртинчи босқич: мутлақо нотаниш даврага қўшилиш. Тонг саҳарда туриш тартиби, овқатланиш, ўқиш тартиби, муомала тарзи — ҳаммаси нотаниш. Барчасига кўникиш керак. Аста-секин эмас, тезлик билан кўникиш шарт. Ёш аскарнинг дастлабки ҳафтаси, ойи оғир, жуда оғир кечади. Уни бир томондан соғинч қийнайди. Тунлари тушларида уйига қайтган, ота-онаси бағрида эркин юрган бўлади. Ана шундай тотли дамларни «Подъём!» деган кескин буйруқ бузади. Бир неча сонияда туриб, кийиниш, сафга тизилиш, сўнг югуриш, бадан тарбия... Айниқса, шаҳарда улғайган, кун ёйилгунча ухлаб ётадиган, бирдан бир қиладиган иши — ярим челак ахлат чиқариб ташлашдан иборат бўлган болаларнинг силласи қурийди. Ҳарбийлар орасида ярамас одат бор: агар бир бола қоидани бузса бутун бўлинма жазоланади. Яъни аскар бола вақтида туриб, кийинмади, дейлик. Демак, барча бошқатдан ечинади, ётади, сўнг буйруқ билан ирғиб туриб, яна кийиниб яна сафга туриш... Бу билан маълум бир аскарга нисбатан бошқаларда нафрат уйғотиши мумкинлигига бўлинма командирининг ақли етмайди. Аскарлар орасидаги уруш-жанжал худди шундай «тарбиявий» ишлардан бошланади.

МАНА ШУ БОСҚИЧ мени кўп ўйлантиради. Фарзандларимиз фақат Ўзбекистонда хизмат қилган, зобитлар фақат ўзбеклардан иборат бўлганда ҳам ҳарбийда интизом деган нарса биринчи ўринда қолаверади. Тезкорлик, бадантарбия, оғир шароитлардаги машқлар бекор қилинмайди. Ҳарбий тайёргарликдаги машаққатлар йўқолмайди. Шундай экан, барчамиз болани жисмоний тайёргарликларига ҳам барвақтроқ эътибор беришимиз керак. Қадимда юнонларда ўғил бола туғилса қишми, ёзми пичан устига ташлаб қўйишаркан. Чунки ўғил — бўлажак жангчи ҳисобланган. Шу сабабли уни чақалоқликдан чиниқтиришган. Мен биз ҳам шундай қилайлик, демайман. Бироқ, болани чиниқтириш лозимлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Шунда ёш аскар бегона шароитдаги дастлабки қийинчиликларни енгиб ўта олади.

Бу босқичда жисмоний машаққатдан ташқари маънавий машаққат ҳам мавжуд. Турли тарбия кўрган, турли шароитда улғайган, турли миллатдаги йигитлар бир хил шароитда жамланадилар. Бу шароитда «катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўл, ўзгаларни хафа қилма», тарзида тарбия кўрган йигитлар бениҳоя даражада маънавий жабр тортадилар. Беҳаё, безбет, сўкағон, бемеҳр, шафқатсиз бола ҳар бир миллатда бор. Бундай болалар тезда жипслашиб бошқаларга ҳукм ўтказадилар. Яхши тарбия кўрган, заифроқ болалар эса уларнинг «қулига» айланадилар. Нонуштада сарёғлари, қандлари, пешинда овқатдаги гўштларини улар билан баҳам кўрадилар. Буни катта-кичик зобитлар биладилар, била туриб кўз юмадилар. Ҳатто ўша бақироқ, сўкағонларга тез орада ефрейтор (ўнбоши) унвони берилиб, бўлим командири этиб тайинланадилар.

Биз миллатлар орасидаги дўстлик ҳақида кўп гапирамиз, қайғурамиз. Назаримда, ҳарбийдан қайтган болада байналмилал дўстлик туйғуси сўнган бўлади. Икки гапнинг бирида «онангни...» деб сўкиб турувчи рус ёки украин йигитига нисбатан қандай дўстлик туйғуси бўлиши мумкин. Ёдимда, биз — бир неча юз йигит Тошкентдан чиқиб ҳарбийга борган эдик. Ҳарбий қисм ўқув юрти ҳисобланар эди. Биз, — аскарлар асосан ўзбеклар, қозоқлар, катта-кичик командирлар эса руслар, ғарбий Украинадан келган йигитлар эди. Улар ярим йил, бир йил хизмат қилган димоғдор йигитлар эди. Уларнинг сўкинишлари туфайли бир-икки уруш чиққач, катта зобитлардан бири бизни тўплаб «улардан хафа бўлманглар, одати шу» деб насиҳат қилди. Лекин уларни тўплаб «сўкинманглар, уларнинг одати буни кўтармайди», демади. Ўзбеклар ҳамма вақт ҳарбийдаги энг тарбияли, мўмин аскарлар бўлишган. Шунданми, кўп жабр кўришган. Урушда ҳам бошқаларга нисбатан кўпроқ қирилишган. Ҳозир ҳам йигитларимиз мутетабиат бўлганлари учун кўп азоб чекяптилар. Хизматимизнинг ярми ўтганда қисмга кавказликлар келишди. Бизга зуғум қилганлар бу сафар ҳокимликни ўзлари истаган тарзда ўтказа олмадилар. Зобитлар алмашди, аммо вазият ўзгармай қолаверди.

Хулоса шуки, йигитларни қисмларга бўлишда уларнинг миллати, демакки, миллий хусусиятлари, диний қарашлари, фазилатлари ва камчиликлари инобатга олиниши шарт. Ундан ташқари боланинг қаерда, қандай қисмда хизмат қилишга хоҳиши бор, буни ҳам инобатга олиш керак. Болани уйидан ҳаддан зиёд узоққа олиб кетиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳарбий санъатга, ҳарбий интизомга яқинроқ жойда ҳам ўрганиши мумкин. Агар уйига яқинроқ бўлса тезроқ, пухтароқ ўрганар балки. Бу масалада аскар руҳий ҳолатини ҳам ҳисобга олиш вақти етди.

Аскар йигитлар ўз жумҳуриятларида хизмат қилишсин, деган таклифга кўпчилик хавотир кўзи билан қараяпти. Миллатчилик иси келяпти, деб ташвишланяпти. Мен бу таклифда мантиқ бор, деб ҳисоблайман. Ҳарбий, тарбиявий ишлар тўғри олиб борилса, яқин йиллардаёқ ижобий самара беришига ишонаман.

Зобитлар орасида ўзбекларнинг камлигига ҳам хизматнинг ота юртдан узоқларда бўлиши сабаб, деб биламан. Бизнинг қонимизда ўтроқлик бор. Ҳадеганда кўч-кўронни кўтариб кўчиб юриш ўзбекка хос эмас. Ҳарбий билим олиб, зобитлик мартабасига эришгач, албатта узоқ ерларга кетиш керак. Шуни ҳисобга олиб, ота-оналар ўғилларини ҳарбий ўқишга бермайдилар. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони — ота-она рухсат берган тақдирда ҳам бу ўқишга кириш қийин. Рус тилида имтиҳон топшириб ўтиш мушкул. Фуқаро уруши даврида Фрунзе ташаббуси билан Тошкентда Ўрта Осиё миллатлари ҳарбий мактаби ташкил этилган эди. (Ҳозир бу мактаб Ленин номидаги умумқўшин ҳарбий билим юртига айлантирилган.). Мактабнинг мақсади — маҳаллий аҳоли фарзандларидан зобитлар тайёрлаш эди. Шундан сўнг Ўзбекистонда ўзбек миллий дивизияси ҳам мавжуд бўлган. Дивизияда барча иш, ҳатто ҳарбий буйруқлар ҳам ўзбек тилида бўлган. Лекин буларнинг барчасига «миллатчилик» тамғаси босилиб, йўқ қилинди.

Сўнгги босқич — хизматдан қайтиш. Ҳар ким ўзича, ҳамёнига қараб қайтаверади. Ёз ойлари аэропортларда навбат кутиб ётган аскарларнинг саноғига етиш қийин. Икки йил соғинч азобида қийналган йигитлар уйга тезроқ қайтсам, дейди. Ота-онамнинг дийдорига тўйсам дейди. Уйга қайтиш эса хизмат қилишдан ҳам оғирроқ кечади. Кетишда тартиб билан олиб кетган ҳарбий қисмлар нима учун тартиб билан қайтаролмайдилар. Нима учун биз аскар болаларимизнинг қайтар онларини олдиндан билиб кутиб олишга чиқмаймиз. Нима учун икки йил айрилиқ исканжасида яшаган оналар яна ҳафталаб эшикка кўз тикиб ўтиришга мажбурлар? Ҳарбий қисм командири «Фалончи икки йил Ватанга хизмат қилди, бунинг учун Сиздан миннатдормиз, ўғлингиз фалончи, фалон куни хизматини адо этиб йўлга чиқади» деб хат ёзиб юборишга қодир эмасми? Бу ҳам оддий маданиятга, оддий инсоний фазилатга киради. Ҳамонки бошлиқнинг бунга фаросати етмас экан, ҳарбий нозирлик буйруқ чиқариб, шундай иш юритишга мажбур қилиши керак.

НИҲОЯТ, АСКАР йигит қайтди. Уни ота-онанинг иссиқ бағри, дўстлар давраси кутади. Лекин давралар ҳам турлича бўлади. Баъзи ота-оналар ўғлининг қайтиши муносабати билан зиёфат берадилар. Тўғри, хурсандчиликдан ҳар қанча дастурхон безасак-да оз. Аммо, муҳтарам ота-оналарга «шу зиёфатдан воз кечинглар» деб мурожаат қиламан. Чунки, зиёфат ичкиликсиз бўлмайди. Қони қайноқ йигитлар бу зиёфат оқибатида нималар қилмаяптилар. Қандай жиноятлар содир бўлмаяпти?! Аскарликдан қайтган йигитнинг дастлабки ойи ота-онаси, яқинларининг қаттиқ назоратида кечса чакки бўлмас. Ҳафта, ой давомида руҳий чигалликлар ечилади, йигит оғир интизом ҳаётидан эркин ҳаётга ўтганда ҳаддан ошмаслиги шарт. Чанқаб келиб, шошилиб сув ичганингизда қалқиб кетганингиз каби бу эркин ҳаёт ҳам баъзан азобга рўпара қилиб қўйиши мумкин.

Айни кучга тўлган йигирма ёшли йигит энди нима қилиши керак? Кўп йигитларнинг ҳунари бўлмайди. Чунки ўнинчи синфни битириб ишга кириш қийин. Корхоналар «бир йилдан кейин ҳарбийга кетади», деган сабаб билан ҳунар ўргатгиси келмайди. Шундай экан, йигитларга ҳарбий қисмларда, қўшин туридан қатъий назар ҳунар ўргатилгани дуруст эмасми?

Ҳарбийдан қайтган йигитни бир неча йил бадалида комиссариат ҳол-жонига қўймайди. Ҳали чақирув қоғози тарқатади, ҳали навбатчиликда туради. Бир жойда ишлаб турган йигитни чақириб олишга барҳам бериш керак. Комиссариатни истаган одамни истаган пайтда чақириб олиш, истаган ишни буюриш ҳуқуқидан маҳрум этиш, фақат маълум йилларда, янги қурол турини ўрганиш учунгина чорлаш ҳуқуқини қолдириш лозим.

Ҳарбийда жон бераётганлар ҳақида кўп ташвишли хабарлар эшитяпмиз. Буни миллий масалага боғлаяпмиз. Мен бу хулосани инкор этмаган ҳолда, бошқа сабабларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Аскар йигитларнинг ўлимига фақат миллий низолар сабаб эмас. Бундан йигирма-ўттиз йиллар илгари ҳам ўлимлар содир бўлар эди. Ўзбек-ўзбекни, рус-русни ўлдирган ҳолларга ўзим гувоҳ бўлганман. Айрим йигитлар дастлабки қийинчиликларга дош беролмай жонларига қасд қилардилар. Машқлардаги эҳтиётсизлик ҳам ўлимга сабаб бўлар эди. Лекин бу ҳақда гапирилмасди.

Менингча, аскарларнинг ўлимига энг асосий сабаб — ҳарбий интизомнинг бўшашиб кетгани. Ичкиликбозлик, порахўрлик ҳам бошқа соҳалардан кам эмас. Ҳатто ўғирлик ҳам бор. Мана, мисол: бир неча йил илгари йироқ ҳарбий қисмда хизмат қилаётган икки йигит жазоланди. Хизмат тақозоси билан мен шу жараённи бошидан охиригача кузатдим. Йигитлар ҳарбий қисмдан чиқиб кетганлар, омборга бориб қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб, арзонга сотганлар. Омборни қўриқлаши лозим бўлган зобит ва аскарлар бу пайтда маишат қилиб ўтиришган. Икки аскар уларнинг устидан қулфлаб ўша оғир буюмларни бир-бир ташиб кетган. Трибунал ўша маишат қилиб ўтирган зобитга чора кўрмади — у гувоҳ сифатида иштирок этди. Ҳолбуки, ўғирликда унинг айби ҳам бўлган эди. Қисм командири мени лол қолдирди. Маълум бўлишича, аскар болалардан бири олдин ҳам ўғирлик қилган. Милиция уни ушлаб, буюмни ҳарбий қисмга, шахсан командирга қайтарган. Командир ўғрига чора кўрмаган, қайтариб олган буюмини қаерга қўйганини ҳам эслолмади. Менинг имоним комилки, ўшанда ўғрини қароқчи урган. Буюмни командирнинг ўзиёқ пуллаб юборган. Бу-ку, бир буюм, ҳозир одамлар қўлидан тортиб олинаётган қуроллар қандай қилиб аслаҳахоналардан чиқди экан?

Зобитлар орасида-ку интизом бўлмагач, аскар бечоралар нима қилсин? Зўравон йигитлар заифларни истаганча ҳақоратлайверадиларми? Интизоми бўшашган қўшинда қудрат қолармикан?

Олий Кенгаш мажлисларида «командирнинг сиёсий ишлар бўйича муовини (замполит) керакми ё керак эмасми?» деган масала кўтариляпти. Армия ҳаётини ёмон билмайдиган одам сифатида айтишим мумкин: ҳозир бундай муовин шарт эмас. Фуқаро урушида шарт эди, аскарлар сиёсий онгига таъсир этиш керак эди. Ҳозир эса бунга муҳтожлик йўқ. Ҳозир чапаевларни йўлга солувчи фурмановларга ҳожат қолмаган. Аксинча, аскарларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган эркин ташкилот зарур. Ҳозирги муовин командирга тобе, у нима деса шуни қилади. Сиёсий дарслар, мажлислар ўтказади. маданий ишларга қарайди. Аскар ҳақ-ҳуқуқи эса назаридан четда қолади. Замполит шу вақтгача Компартия вакили сифатида иш юритган. Энди эса, партиялар ва жамоатлар сони кўпайгач, сиёсий иш юритиш янада мушкуллашади. Шу сабабли қўшинни сиёсатдан айириш керак. Унда ҳеч бир партия, жамият иш юритмасин. Қўшин қўмондонга, қўмондон ҳукуматга бўйсунсин. Тамом-вассалом!

Ўзбекистон Олий Кенгаши ҳарбий қурилиш қисмларига чақирилган ёшлар Ўзбекистонда хизмат қилсин, деб қарор қабул қилди. Қарор кўпчиликка маъқул тушди. Мен масалани бошқача қўяр эдим: ҳарбий қурилиш қисмларини бутунлай тугатиш керак. Менга бу қисмлар биринчи жаҳон урушидаги мардикорликка чақиришни эслатади. Улуғ Ватан урушида ҳам ишчи батальонлари бўлган. Ҳозир инженер-қурилиш қисмлари дейилади. Мардикорликка ҳам, ишчи батальонларига ҳам, ҳозир ҳам бу қисмларга ўзбеклар кўпроқ олинади. Ўзбекнинг айби — кўп бола кўриб, боқиб, тарбиялагани. Очиғи, ҳарбий қурилиш қисмларига ўзбекларнинг кўп олинишидан мен норозиман. Биринчидан, бу қисмларнинг номи ҳарбий. Бунда на интизом бор, на қадр-қиммат бор. Мажбурлаб олиб бориб ишлатувчи мардикордан ҳеч фарқи йўқ. Қилган меҳнати қадр топса ҳам майли эди. Йигитлар икки йил ишлаб, арзимаган пул билан қайтадилар, Кийган кийимлари, еган овқатларига олам жаҳон пул ушлаб қолинади. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони — менингча, ҳарбий қурилиш қисмларига кўпроқ ўзбек йигитларининг олиниши ўзбек халқининг қадрини тушириш демак. Яъни, янги ҳарбий техникани эгаллашга ақли етмайди, Ватанни ҳимоя этишга қодир эмас... деб тушунаман мен бу ҳолни. Мактабда «Чоризм ўзбекларга ишонмагани учун уларга қурол бермай, мардикорликка олган» деб ўқитишар эди. Ҳозир-чи? Ҳозир «Рус тилини яхши билмайди, шу боис буйруқни тез англаб бажаролмайди» деган баҳона чиқди. Бу мутлақо бемаъни баҳона. Ўзбек йигитлари гуржи ёки литваликдан яхшироқ билади рус тилини.

Ҳамонки, йигитларимиз кўп экан, уларни узоқларга олиб бормаслик керак. Ҳамма жойда қурувчи зарур. Ҳарбийга чақирилиши лозим бўлган йигит, танкчиликка ёки десантликка ярамаса «сен икки йил қурилишда ишлаб берасан» дейилсин. Ўз уйида яшаб ишлаб берсин, майли. Хоҳласа кечқурун ўқисин, билим олсин.

Энди охирги фикр: армиямиз қандай бўлиши керак — ҳозиргидай мажбурий, қисқа муддатли ҳарбий хизматми ё ихтиёрий доимий (профессионал) хизмат асосидами? Менингча, армиямиз қурилиши, бошқарилиши анча эскиди. Мамлакатимиз жуда кўп аскарни боқишга мажбур бўляпти. Мен ҳарбий мутахассис эмасман. Фикримнинг мутлақ тўғри эканига даъво қилмайман. Назаримда, мамлакат қудратини аскарлар сони, яъни кўплиги белгиламайди. Ҳатто, ҳарбий техника сони кам белгиламайди. Балки қўмондонлар ақли-фаросати, аскарлар фидойилиги, ота юртга бўлган фидойилиги, садоқати белгилайди. Қадим урушларни эслайлик, тарихда қолган жангларда куч эмас, ақл ғалаба қозонгани сир эмас. 1919 йилги Англия — Афғонистон учинчи урушини мисолга келтирай. Англияда 300 мингдан зиёд аскар, кучли техника, ҳатто аэропланлар бўлган. Лекин 70—80 минглик афғон лашкарларини енга олмаган. Буни тарих дерсиз. Лекин ҳозир (илоҳим урушдан ўзи асрасин) уруш чиққудай бўлса асосан яроғлар ишга тушади. Шунинг учун барча йигитларни аскарликка олавермай, қўшин сонини кескин қисқартиш мамлакатимизга ҳам маънавий, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий фойда берарди. Шу қисқартириш асносида кўнгилли доимий (профессионал) қўшинни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда ҳам мамлакатимиз жуда катта фойда кўрарди. Ҳарбий ишни касб қилганлар 18 — 20 ёшли йигитлардан кўра кўпроқ тажрибага эга бўладилар. Уларнинг ҳар бири ўн йигит ўрнини босиши мумкин.

Афғонистондаги урушда жуда кўп йигитларимиз қирилди. Менингча, улар ёш бўлганлари, тажрибасизликлари учун кўп жон бердилар. Ҳаётнинг ширин мевасидан энди татийман деб турган, бировни чертмаган, бурнини қонатмаган йигитча урушда қўрқиши, ўзини йўқотиб қўйиши, руҳан азобланиши турган гап. Доимий хизматдаги киши эса довдирамайди.

Ўтган йили Фарғона фожиаси бошланганда шаҳарни эгаллаган аскар йигитларга разм солиб эдим. Қурол ушлаб турган ёш йигитлар кўзида ҳадик кўрдим. Улар атрофда қизиқувчанлик билан велосипедда айланиб юрган ўсмирларга ҳам қўрқиб қарар эдилар. Оқшомда, айниқса тунда бирон ножўя ҳаракат сезилса тепкини босиб юборишга тайёр эдилар. Сир эмас, тепкилар босилди, бегуноҳ жонлар узилди. Бу балки бирон аскар йигитнинг шу қўрқоқлиги ёки тажрибасизлиги оқибатида рўй бергандир, ким билсин?

МЕНИНГ АРМИЯМИЗДАГИ аҳвол ҳақида фикр билдиришим бежиз эмас. Аввал бу ҳарбийлар иши ёки «ҳарбий нозирлик иши» дердик. Йўқ, ҳамонки ҳарбийда бизнинг фарзандларимиз хизмат қилар экан, бу — бизнинг ишимиз. Ҳарбий нозирлик, қўмондонлар биз, ота-оналар кўнглига қараб иш юритишга мажбурдирлар. Тўғри, Ватан хавфсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Лекин бу бурчни ниқоб қилиб биз дунёга келтирган, умид билан ўстирган ўғиллар ҳуқуқини поймол қилишга, ҳақоратлашга, жонига озор етказишга йўл бермаслигимиз лозим.

Қизил Армия ташкил топганидан бери аскарлар кийими бир неча марта ўзгарди, белгилари ўзгарди, унвонларнинг номи ўзгарди. Буларни зоҳирий яъни ташқи кўриниш ўзгаришлари деймиз. Энди ботиний, яъни, ички тартиб ва таркиб ўзгаришларига, жиддий ислоҳотларига вақт етди. Бу ислоҳотлар қанчалик тез амалга оширилса, шунча яхши. Биз армияга «шавкатли», «қудратли», «енгилмас» деб сифат бериб келганмиз. Чиндан ҳам армия тарихида нурли саҳифалар кўп. Доғли ишлар ҳам бор, лекин бунга армия эмас, алоҳида шахслар айбдор. Биз энди алоҳида шахслар билан армияни аралаштириб бир хил — бадбин хулосага келмаслигимиз, аксинча, армия обрўйини сақлашгина эмас, оширишга интилишимиз керак. Алқисса, ишчи—деҳқон армияси деган номдан воз кечмаслигимиз, балки армияни шу шараф чўққисига етказишимиз лозим.

**Тоҳир МАЛИК**

# БУХОРОДА ҲАЙКАЛТАРОШ БОРМИ?

БУХОРОИ ШАРИФДА белоғриқдан букчайган Ибн Сино ҳайкалини, 30-йиллар нуқси уфуриб турган бир қолипдаги Фрунзе, Киров ҳайкалларини кўрганда, уларни яратган муаллифлар номини эшитганда, гапнинг тўғриси, бу шаҳарда умуман ҳайкалтарош йўқ экан, деган фикрга келасан. Шаҳардаги болалар истироҳат боғи ичида ўрнатилган «Темир Лайлак» асари (буни асар деб аташнинг ўзи гуноҳ), Когон темирйўл вокзали пештоқига нақшланган «Раққос аллома»ларни томоша қилганда, одамнинг энсаси қотиб, бу юртда маданият бошқармаси борлигига ишонмай қўяди. Дарвоқе, «Раққос аллома»лар... Бутун Мағрибу Машриққа донг таратган Қошғарий, Беруний, Улуғбек, Дурбек, Беҳзод, Саккокий, Лутфий, Машраб, Завқий, Махмурни рақсга туширмоқ гуноҳи азим, бундай тасвирлар миллатга нисбатан ҳурматсизлик эканлигини, ва ниҳоят, бунақа «асар»лар лойиҳасини (ўзини у ёқда турсин) қабул қилиш мумкин эмаслигини оддий мактаб ўқувчиси ҳам билади-ку! «Раққос аллома»лар галереясини яратганлар аллақачон чўнтакларини қаппайтириб кетишди. Уни қарсаклар остида қабул қилиб олганлар аллақачон мансаб курсисини тарк этишган (баъзилари қамалган, айримлари кичикроқ мансаб курсиларини ишғол қилиб, ҳукмронлик этишмоқда). Лекин биз қай қилган гуноҳларимиз эвазига бундай бефаросатлик намуналарини томоша қилишга маҳкуммиз? Энг қизиғи, пештоқда нақш этилган алломаларимизнинг бирортасини ҳам танимайсиз. Чунки улар алломадан кўра, дорбозга ўхшайди. Беўхшов одамлар расми остида адибларимиз исми шарифи дарж этилган. Бухороликлар орасида: «Пул додаму дардисар харидам» (Мазмуни: «Пул тўлаб ўзимга бош оғриқ сотиб олдим») деган ибора машҳур. Қачонгача бизнинг маъмурларимиз халқнинг пулини совуриб, халққа бош оғриқ сотиб олишади?

Бухородан Муқанна, Маҳмуд Торобий, Рустами достон, Алпомиш каби халқ қаҳрамонлари, шунингдек, Рудакий, Наршаҳий Мушфиқий, Аҳмад Дониш, Фитрат, Садриддин Айний, Ҳайрат ҳайкалларини излайсиз. Лекин тополмайсиз. Биз шу вақтгача Бухорои шарифда кимларга ҳайкаллар ўрнатмадик? Сталин, Жданов, Брежнев, Молотов, Ворошилов, Киров, Калинин, Оржоникидзе... Бу рўйхатни яна-да давом эттириш мумкин. Ҳатто Ленинга бир шаҳарнинг ўзида ўндан ортиқ қўйилган (кўпи 30-йиллар савиясида бюсту ҳайкаллар бор. Ленинга ҳар қадамда ҳайкал ўрнатиш билан ленинизм ғалаба қилади, деб ўйлаш гумроҳлик эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди-ку!

Хуллас, Бухородан ўзинг истаган ҳайкални тополмай, кўнглинг чўкиб, ноумидликдан руҳинг зада бўлганда, Ҳазрати Мир Алишер Навоий ҳайкалларига кўзинг тушади. Ҳазратнинг муборак чеҳраларидан нур таралмоқда. Кўзлари синовчан боқмоқда. У кишининг муборак этакларини кўзларингга суртгинг келади. Мир Алишернинг икки ёнларида бешта дарахт. Мангу ям-яшил дарахт. «Бу дарахтлар — Ҳазратнинг «Хамса»лари. Мен рамзий тарзда шундай ишладим», — дейди бухоролик ҳайкалтарош Ҳамро Зоиров. Бу ҳайкал ҳали ҳеч қаерда намойиш қилинмаган. Ҳамронинг устахонасида (билмадим, бу ерни устахона дейиш жоизми, йўқми?), аниқроғи, кўп қаватли бинонинг ертўласида Ҳазрат Навоий билан Ибн Сино, Аҳмад Дониш билан Улуғбек, Садриддин Айний билан Файзулла Хўжаев унсиз суҳбатлашмоқдалар...

— Кундуз кунлари ҳам чироқ ёқиб ишлашга тўғри келади, чунки ертўлада дераза ўрнатишнинг иложи йўқ. Ҳаво етишмайди. Нам. Айниқса, қувурлар «мусиқаси» бир нафас ҳам тинмайди, — дея Ҳамро янги ва эски асарларини бизга кўрсата бошлади. — Худо кўрсатмасин, агар қувурлардан бири ёрилса, ертўла сувга тўлиб, барча асарларим кунфаякун бўлади!

Бухоро пединститути буюртмаси билан Ҳамро яратган Ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Ҳамза бюстлари институт хиёбонидаги «Алломалар боғи»да ўрнатилади. Ҳамро Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Неъмат Аминов каби алломаларимиз, таниқли бастакор Ўлмас Расулов, ҳақгўй олим Ғайбулла Саломов, Озод Шарафиддинов, авлиёсифат инсон Темур Ғаниев қиёфасини мармарда нақшлашни ният қилиб қўйган. Унинг бухоролик актёр «Муҳаммад Рафиқов», «Онаизор», «Мухтор Ашрафий» ва бошқа асарлари кўплаб кўргазмаларда намойиш этилган. Ҳ. Зоиров таниқли темирчи уста Аминбобо бюстини ишлаяпти. Уста Аминбобо суҳбат этяпти. Бир неча минг йиллик тарих ривоят шаклига кириб, дурдай тизилмоқда: «Инсон фоний дунёни тарк этгандан сўнг, уни кўммоқ учун гўрнинг лабигача фарзандлари, хешу ақраболари, давлати билан бирга, одамларга қилган ЯХШИЛИГИ ва ЁМОНЛИГИ боради. Уни гўрга қўйгандан кейин фармон бўлади: «Киринг!» Лекин фарзанди, хешу ақраболари, давлати орқага қайтади гўрга кирмайди. Фақат яхшилиги билан ёмонлиги гўрга киради. Яхшилиги бошининг тепасида, ёмонлиги эса оёғининг устида тик туради. Мункар Накир келиб савол-жавоб қилганда, марҳум нек одам бўлса, яхшилиги бардам, улуғ қиёфада намоён бўлиб, Мункар Накирга кўринади. Бундай зот азобдан халосдир. Худбин, ҳасадгўй хиёнаткор, ёлғончи, нашаванд кимсанинг ёмонлиги қабиҳ суратда намоён бўлади. Ундай кимса азобга маҳкумдир. Демак, доимо яхшилик қилайлик, халқ биздан манфаат кўрсин. Ҳақгўй бўлайлик...»

ОДАМНИНГ ИЧКИ ОЛАМИ унинг қиёфасида мужассам. Лекин қиёфасидан ички оламини илғаб биладиган кўз, фаҳму фаросат даркор. Бир умр ҳалол ишлаб, ҳалол еб, ҳалол яшаб келаётган ИНСОН қиёфаси «Темирчи уста Аминбобо» бюстида ўз тажассумини топди.

Кулол Баҳром Гулов маъмурларнинг савияси хусусида куюниб гапиради:

— Маъмурларимизнинг кўпи ҳозир кўргазмаларимизга келади. Лекин айримларининг кўзларида ҳайрат, завқ ўрнида миннатни кўриб, гапнинг тўғриси, таажжубланаман. Нега маърифати йўқ кимсалар маърифат соҳасида бошлиқ, нега маданиятсиз кимсалар маданият соҳасида раҳбар этиб тайинланар экан-а? Ахир, қадимий китобларда ёзилишича, шоҳлар шаҳзодалар тарбияси билан махсус шуғулланар экан! Шаҳзодалар нафақат жангу жадал дарсини, балки шеърият, ҳаттотлик, илми нужум, ҳандаса сабоқларини ҳам мукаммал ўрганишган...

Архитектор Зоир Қиличев, ҳайкалтарош Қурбон Норхўрозов ва Улаш Ўроқов, кулол Баҳром Гулов 1987 йил вайрона ҳолатидаги бинони ўзларига устахона қилиб олишди. «Шунисига ҳам шукур, — дейди Қ. Норхўрозов, — ахир, анча йиллардан бери таниқли ҳайкалтарош Ҳамро Зоиров ертўлада ижод қилаяпти-ку! Истеъдодли кулол Нарзулло Саидовга эса ишлаш учун ҳатто устахона йўқ».

— Ҳозир бизнинг ижодий группа Варахша номли янги меҳмонхона ёнидаги хиёбонда қадимий Варахша шаҳрининг рамзи ҳисобланган қанотли туя монументини ўрнатиш билан банд. Бухорода замонавий монументал архитектура асарлари йўқ. Кўча-кўйда, чорраҳаларда ўрнатилган шиору паннолар турғунлик давридан мерос қолган арзон ҳайбаракаллачилик давомидир. Қадимий обидаларга уйғун равишда қурилган на бир бино, ҳайкал, на монументал асар бор, — деди ўкинч билан ССЖИ Архитекторлар уюшмасининг аъзоси Зоир Қиличев.

Зоирнинг «Мучал» асари лойиҳаси тайёр бўлганига ҳам беш йилдан ошди. Миллий руҳдаги бундай асарларни Бухорода ўрнатиш эса ҳамон орзулигача қолмоқда.

Шахсга сиғинишнинг энг қабиҳ иллатларидан бири марказга сиғинишдир. Лойиҳачини ҳам, ҳайкалтарошни ҳам, кулолни ҳам марказлардан чақириш расм бўлган. Улар эса маҳаллий шарт-шароитни тушунмайди. Ҳатто урф-одатингни билмайдиганлардан қанақа асар кутиш мумкин? Шу сабаб яланғоч аёллар ҳайкали гоҳ Навоийда, гоҳ Самарқандда пайдо бўляпти-да!

Лекин кейинги пайтларда маҳаллий ҳукумат вилоят ҳайкалтарошлари, кулолларига буюртмалар беришни йўлга солмоқда. Айниқса, Бухорода Санъат музейининг очилиши воқеа бўлди. Болойи Ҳовуз масжидида кулолларнинг доимий кўргазмаси намойиш этилмоқда. Бухорода вилоят ижодкорлари асарлари намойиш этиладиган рассомлар галереяси очиш режалаштирилди.

Қурбоннинг «Садо», «Шарқ», «Автопортрет» (шомотда ишланган), Баҳромнинг «Савр», «Жазо», «Ҳамал» туркуми ва «Кутиш», «Бешик» каби асарлари Тошкент, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган кўргазмаларда намойиш этилиб, санъатшунослар диққатини жалб қилди.

Кулол Нарзулла Саидовнинг ҳам дилида дардлари кўп. «Бухорода Ғиждувон, Вобкент кулоллари мактаби бўлган. Ҳозир ҳам ота-боболари ҳунарини давом эттирмоқ ниятида юрганлар бор. Уларнинг бошини бир жойга ковуштириб, ҳунармандларга шарт-шароит яратиб бериш керак. Ҳунармандларни турли хил солиқлардан ҳимоя этиш лозим. Ахир, солиқлар касофатидан ҳунарларга қирон келади-ку! А. Жўраев «Умр безаги» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 5 январь 1990 й.) тўғри таъкидлаганидек, Ўзбекистонда ҳозир авж олаётган ишсизликни ҳунармандчиликни ривожлантириб тугатиш мумкин. Кулол Ҳамробиби Раҳимова номини абадийлаштириш ҳақида ҳам бош қотириш лозим. Ахир, Ҳамробиби асарлари бутун дунёни кезиб, ўзбек халқининг шуҳратини ёймоқда-ку!»

Ҳа, Н. Саидов ҳақ. Ҳунар халқнинг юрагини тарбиялайди, бўш қўлни ишли қилади, деб ёзди таниқли олим Иброҳим Ғафуров. Ҳунарни асрайлик, ҳунармандни асрайлик! ССЖИ Рассомлар уюшмасининг аъзоси, марҳум Ибодулло Нарзуллаев лаганлари ҳайрат намунасидир. Шундай уста номини абадийлаштириш ҳақида ким қайғуради?

Ҳар бир юртнинг халқ санъатида ўзига хос ўрни бор. Айтайлик, Бухоро кулоллари билан Риштон, Хатирчи кулоллари мактаби орасида фарқ мавжуд. Улар ишлатадиган ранг, безак турлича. Бинобарин, Бухоро кулоллари мактабини қайта тиклаш зарур. Лаганни сирлашда ҳам ҳикмат бор. Боболаримиз «Қушкўзи» ўсимлигидан ишқор тайёрлашган. Бундай ўсимлик Бухородаги саҳроларда ўсади. Ҳозирги китобларда берилган кўрсатма асосида кошину сир тайёрлайман деб овора бўлманг. Б. Гулов йиллаб олиб борган изланишларидан кейин шундай фикрга келди. У сир тайёрлашнинг асл сирини ўрганди ва ўз шогирдларига беминнат ўргатмоқда.

Бухорода ҳам қайта қуриш шарофати билан ўзгаришлар бўлмоқда, ижодкорлар ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда. Бухорода ҳайкалтарошларнинг халқаро симпозиумини ўтказиш режаси тузилди. Бу симпозиумда бухоролик ҳайкалтарошлар ҳам иштирок этишади, ўз тенгдошлари билан мусобақалашишади. Вилоят партия ва ҳукумати бу ташаббусни амалга оширишда бош-қош бўлмоқда.

Лекин ҳали вилоятда ҳайкалтарошлар, кулоллар, архитекторларни қийнаётган жуда кўп муаммолар бор. Улар махсус лойни Оҳангарондан ўзлари олиб келишади. Бухорода ҳайкаллар палапартиш ўрнатилган, ҳатто жой танлашга ҳам эътибор берилмаган. Бухоронинг эски қисми музей-қўриқхона ҳисобланади. Бунақа паст кўчалару гумбазлару ҳовузларни дунёнинг бирор бошқа мамлакатидан топа олмайсиз. Лекин эски шаҳардаги Киров Фрунзе ҳайкаллари «ёшини яшаб, ошини ошаб» бўлган. Чунки 30-йиллар услубида бу ҳайкаллар томошабинга ҳеч қандай эстетик завқ бермайди. Энг асосийси, қадимий шаҳарда ҳайкал ўрнатиш ман қилинган. Демак, бу ҳайкалларни музей-қўриқхонадан олиш лозим. Лаби Ҳовуз бўйидаги Нодир Девонбеги ёнидаги Насриддин Афанди (эшаги билан) ҳайкалини эса Талипоч дарвозаси ёҳуд Қавола дарвозаси ташқарисида, яъни Бухоро шаҳрининг кириш қисмида ўрнатиш лозим. Бухоролик ҳайкалтарошлар, кулолларни ССЖИ Рассомлар уюшмаси аъзолигига тавсия этишни йўлга солмоқ даркор.

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ТЎҒРИ талабига мувофиқ, кулол Ҳамробиби Раҳимова, кандакор Салим Ҳамидов, меъмор уста Ширин Муродов номидаги мукофотлар таъсис этиш масаласини жумҳурият ва вилоятдаги мутасадди ўртоқлар ҳал қилсалар, нур устига нур бўлур эди.

Яқинда ҳайкалтарош Ҳамро Зоиров менга сим қоқиб, ҳаяжон билан: «Менга устахона берадиган бўлишди!» — деди. Илоҳи, бу ваъда рост бўлсин.

**Садриддин САЛИМОВ**

# «ЗИЁХОНА ТАШВИШЛАРИ»

**Акс садо**

Ёзганларим шикоятга ўхшашини сира истамас эдим. Чунки шикоят — бу ҳали талаб эмас. Биз эса талаб қилишни эндигина ўрганяпмиз. Ҳафталикдаги кутубхонага бағишланган «Зиёхона ташвишлари» (1990 йил, 19 октябрь) мақоласи билан танишиб чиқиб, ўз мулоҳазаларимизни билдиришга қарор қилдик. Бу фикрлар битта кутубхоначининг эмас, балки Гурлан район Марказлашган кутубхоначилик системасига қарашли барча филиал кутубхоналар ходимларининг фикрлари деб қабул қилинишини истар эдик.

Кутубхоначининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаганлиги, унинг қашшоқлик чизиғидан бир қадамгина берида турганлигини эндиликда очиқчасига айтяпмиз. Иқтисодий аҳволимизнинг яхшиланишини кўпдан орзу қилиб келдик. Лекин гап фақат иш ҳақини ошириш ҳақида эмас. Чунки бугун кутубхоначи ўзининг майда, машаққатли иши тўғри баҳоланишини талаб қиляпти. Кутубхона обрўси тушиб бораётганлигининг сабабларига келсак, кутубхоначиларнинг ўз касбидан кўнгли совуб кетганлигидир. Кутубхоначининг ўз ишига муносабатини аниқлаб олиш учун филиал-кутубхона иш жараёни билан танишиб чиқамиз. Филиал кутубхоначиси ҳам фаррош, ҳам библиограф, ҳам китоб берувчидир. Табиийки, турли йўналишлардаги бундай фаолиятни кутубхоначи юқори даражада бажара олмайди. «Ҳамма нарсани бирданига бажаришга уриниш ҳеч нарса қилмаслик билан баб-баравар», деган эди Г. Лихтенберг.

Бизнинг Гурлан район Марказлашган кутубхоначилик системасига 41 филиал-кутубхона бирлашган. Марказий кутубхона ва район болалар кутубхонасидан ташқари яна 7 та филиал район марказида жойлашган. Яна 6та мактаб кутубхонаси, 2 та билим юрти кутубхонаси, пионерлар уйи кутубхонаси... Ҳар қадамда бир кутубхона. Мактаб ва корхоналар кутубхоналарини бир чеккага қўйиб турайлик-да, оммавий кутубхонага қайтайлик: район марказида Марказий кутубхона, шаҳар кутубхонаси ва болалар кутубхонасининг ўзи етарли. Қолган кутубхоналарга эҳтиёж йўқ. Аҳоли сонига қараб эмас, балки эҳтиёжига қараб кутубхона очиш зарур. Кутубхоначилик ишининг жамият ривожидан орқада қолиб кетганининг яна бир сабаби кутубхоналарда билим савияси паст кадрлар ишлаётганлигидадир. Шу ўринда Тошкент Давлат маданият институти педагогик коллективига икки оғиз сўзимиз бор эди. Бизни бир нарса ташвишга солади. Жумҳуриятимизда кутубхоначиликни фан даражасида эъзозлаб, унинг келажаги учун қайғураётган олимлар бармоқ билан санарли. Нега ёшлар орасидан кутубхона ишини ўз ҳаётининг мазмуни деб ҳисоблайдиган кадрлар етишиб чиқмаётир. Масалан, мен 1982 йили институтни тугатган бўлсам, ўша йили 10тача тенгдошларимиз институтда ишлаш учун олиб қолинди. Уларнинг билим доираси қанақалигидан, албатта, хабарим бор. Истардикки, институтда ёшлар таниш-билишликка қараб эмас, балки иқтидорига қараб олиб қолинса. Кутубхоначилик аниқ формула ва назариялардан йироқ фан. Унинг қуроли сўз. Лекин бу ҳар ким бу фандан дарс беришга қодир дегани эмас-ку!

Мамлакатимизнинг Эстония, Латвия, Литва каби жумҳуриятларида кутубхоналар Ассоциацияга бирлашган. Биз ҳам худди шундай бирлашишимиз зарур. Бу бирлашишда институт таянч нуқтаси бўлсин. Институт билан алоқа кейинчалик ҳам давом этсин.

**Д. ОРТИҚОВА,**
**Хоразм вилояти, Гурлан райони**

●

Мақола муаллифи кутубхонашунослик ишини бугунги кун талаби даражасида тушунган ҳолда, мавжуд муаммоларни тўғри кўтарган. Кутубхона кадрларини тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва моддий манфаатдорлигини ошириш масалалари анчадан буён ўзининг ҳаққоний ечимини кутиб ётибди.

Айниқса, муаллифнинг мутахасислик дарсларига бериладиган вақтларни кенгайтириш керак, деган фикрини қўллаб-қувватлаш керак, чунки кутубхоначилик иши ва библиография тушунчаларидан анча узоқда бўлган талаба учун ҳозирги ўтилаётган мутахассислик соатлари асосида мустаҳкам билим бериш жуда қийин масала.

Ўқув юрти мутахассислари ва жойлардаги мутахассислар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим масала сифатида кўрсатилганлиги жуда тўғри, лекин бу алоқани қайси шаклда, қайси маблағлар ҳисобига ўрнатиш кераклиги аниқ айтилмаган.

Шуни айтиш кераккки, бу каби мақолалар жойлардаги жамоатчиликнинг кутубхоналарга эътиборини кучайтиради. Бундан буён ҳам кутубхоначиликка бағишланган мақолалар кўпроқ бериб борилишини истардим.

**Т. БОЙТЎРАЕВ,**
**педагогика фанлари номзоди**

●

Муаллифнинг кутубхона ишини ташкил этишда кутубхоначи ҳал қилувчи роль ўйнайди, деган фикрига қўшилган ҳолда, унинг «зиёхоналарни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммосини ҳал этмайтуриб, кутубхоначилик ишини ривожлантириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас», деган фикрига эътирозимиз бор. Чунки ҳозирги кунда жумҳуриятимизда Маданият нозирлигига қарашли кутубхоналарнинг ўзи 6 679 тани ташкил этиб уларда жами 11 598 та кутубхоначи аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу кутубхоначилардан 2 238 таси ёки 19,2 фоизи олий маълумотли, 4 108 таси ёки 35,4 фоизи ўрта махсус маълумотли. Тошкент Давлат маданият институтида ҳар йили 400 га яқин ҳамда жумҳуриятимизнинг бешта маданий-маърифий техникумларида ҳар йили ўрта ҳисобда 1000 дан ортиқ ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар тайёрланмоқда. Кўриниб турибдики, мутахассислар билан таъминлаш етарли... Лекин бу мутахассислар сифатли тайёрланаяптими? Улар ўз мутахассисликлари бўйича ишлаяптиларми? Назаримда, бу саволларга мутасадди ўртоқлар жавоб беришлари лозим. Шунингдек, «институтда жумҳурият кутубхона ходимларининг малакасини ошириш факультети ташкил этилса, бу борадаги асосий муаммо ҳал қилинган бўларди» дейилган фикрга биз мутлақо қўшила олмаймиз. Аввалламбор, институт педагоглари жумҳуриятимизнинг турли кутубхоналарида талабалар билан амалий ишларни кутубхона ходимлари билан биргаликда олиб борадилар. Бундан ташқари, ҳозирда кутубхоначи — талабаларга янада сифатли билим бериш, уларни кутубхоналарнинг ҳақиқий аҳволлари билан янада яқинроқ таништириш мақсадида кутубхонада ишловчи, кўп йиллик иш стажига эга бўлган мутахассислар педагоглик ишларига жалб қилиняпти.

Маданият институтида кутубхона ходимлари малакасини ошириш факультети ташкил этиш фикрига келсак, биз бунга қўшила олмаймиз. Чунки, мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ҳозирги кунда деярли ҳар бир қардош жумҳуриятларда малака ошириш институтлари ёки курслар ташкил этилган.

Яна муаллифнинг «факультет ўқув режаларида ихтисосликка тааллуқсиз фанлар кўп. Хусусан, янги тарих, чет эл адабиёти, жисмоний тарбия, адабиётшуносликка кириш, философия тарихи... каби фанларни ўқитиш шарт эмас. Шунингдек, СССР тарихи, рус адабиёти, рус тили, сиёсий иқтисод, чет тили сингари бир қанча фанларнинг ўқитилиш соатлари қисқартирилиши лозим», деган фикрига мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Чунки тарихни, хоҳ янги, хоҳ қадимги дунё тарихи, фалсафа, чет эл адабиёти дурдоналаридан ва адабиётшунослиқдан хабарсиз, жисмоний жиҳатдан баркамол бўлмаган ёки иқтисодий қонуниятларни фарқлай олмайдиган олий маълумотли кутубхоначи қандай қилиб кишиларга зиё тарқатиши мумкин. Бизнингча, олий маълумотли кутубхоначи аввалло ўз она тилини мукаммал билгани ҳолда, рус тилини ҳам, чет тилини ҳам билиши шарт, деб ўйлаймиз.

Н. Усановнинг «кутубхоначиларга кутубхона категориясига қараб маош белгилаш усулидан воз кечиш лозим», деган фикрига ҳам тўла қўшилиб бўлмайди. Мисол учун кутубхоналар категорияси олиб ташланди ҳам дейлик. Унда иш миқдори, мезони қай усулда ўлчанади? Бизнингча, жумҳуриятимизнинг мафкуравий, иқтисодий ва миллий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда жумҳуриятимиз кутубхоналари учун мўлжалланган категориялар зарур. Жумҳуриятнинг кутубхона иши бўйича ўз қонуний актлари: кутубхона иши тўғрисидаги ўз Низоми, қарорлари, иш нормалари ва бошқалар бўлиши шарт. Кутубхона ишлари бўйича нормаларнинг кўпчилиги бизни жумҳуриятимиз шароитига тўғри келмайди. Масалан, кутубхоналар учун категориялар беришдаги асосий мезон — китобхонлар сони ва берилган китоблар сони билан ўлчанади. Бу ўлчов барча қардош жумҳуриятлар учун умумий деб юритилади, лекин китоб ўқиш маданияти барча қардош жумҳуриятларда бир хил эмас албатта. Шунга ўхшаш объектив сабабларга кўра биз кутубхоналаримиз учун ўз нормативларимизни жорий этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Муаллифнинг кутубхона ходимларининг ойлик маошини ошириш бўйича «мавжуд вилоят кутубхонаси билан вилоят болалар кутубхоналари бошқарув фаолиятини қўшиб бирлашма ташкил қилиш керак», деган фикри бизни ҳам хурсанд қилди. Бу ғоя маданият ўчоқларини янги хўжалик фаолиятига ўтказиш муносабати билан мутахассислар томонидан 1987 йилда маъқулланган. Лекин «шунга ўхшаш усулни район кутубхоналарида ҳам кенг йўлга қўйса мақсадга мувофиқ бўлади», деган фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки районлардаги маданият нозирлигига қарашли давлат оммавий кутубхоналари ягона марказлашган кутубхона системасига бириктирилган. Умуман олганда, кутубхоналарни марказлашган кутубхона системасига бирлаштириш ғоялари баъзи регионлар учун ноқобил система эканлиги кўриниб қолди. Муаллифнинг юқоридаги фикрига қисман қўшилган ҳолда, бизнингча, кутубхона ходимларининг ойлик маошларини оширишнинг ички резерви сифатида мавжуд кутубхона тармоқлари жойлашганлигини (дислокациясини) қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Мақоладаги кутубхоналаримиз учун техника воситалари харид қилиш ҳамда жумҳурият кутубхона ходимларининг съездини чақириш тўғрисидаги фикрларга қўшиламиз. Лекин биргина кутубхоначилар съезди «зиёхонанинг» катта ва мураккаб ташвишларини ҳал эта олмаса керак. Шунинг учун жумҳуриятимизда кутубхоначилар уюшмаси ташкил этиш зарур.

Шунингдек, кутубхоначилик касбини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Маҳамадкарим РАСУЛОВ,**
**Мирали МАҲМУДОВ,**
**педагогика фанлари номзодлари**

●

Очиғи, олий ва ўрта махсус маълумотга эга кадрларнинг билим савияси паст даражада. Улар ўз соҳаларини яхши билмайдилар. Ўз соҳасини яхши билмаган кутубхоначи қандай қилиб китобхон билан мулоқотда бўлади?

КПССнинг XXVIII съездида барча соҳа мутахассисларининг ойлик маоши поғонама-поғона кўтарилади, дейилган эди.

Лекин шу қарор бўйича маориф, медицина ходимларининг ойлик маоши 1,5-2 марта оширилди. Маданият ходимларининг ойлик маоши ўша-ўша ўзгармади. Бухоро вилояти бошқармасининг штатлар рўйхатига асосан белгилаб берилган маданият ходимларининг ойлик маошлари 150 сўмдан 220 сўмгача белгиланган. Очиғи, бугун бундай маош билан кун кўриш қийин.

**Гуландом РАҲМАТОВА,**
**Ҳамза ТОҲИРОВ,**
**Мавлуда АБУЕВА,**
**ва бошқалар,**
**Бухоро вилояти Шофиркон райони марказлашган кутубхоналараро системаси ходимлари**

Шу соҳада 1975 йилдан буён ишлаб келаман. Ишни 60 сўм маош билан болалар кутубхонасидан бошладим. 15 йил деганда маошим 140 сўмга етди. Маошни 3-категория бўйича оламиз. Шу йиллар давомида мутахассислигим бўйича сиртдан Тошкент Маданият институтини тугатдим. Ҳақиқатан ҳам, маданият институтида соҳамизга тааллуқли бўлмаган фанлар кўп ўтилади. Қанчадан-қанча тариху адабиётлардан имтиҳон топширамиз, деб соатлаб эшиклар олдида сарғайиб турганмиз.

Шунинг учун ўқув юртларида баъзи фанларнинг ўрнига плакат пероларда ҳарф ёзишни ўргатишса, электрон ҳисоблаш машиналарини бошқаришни, оддий счётларда санашнинг хилларини ва усулларини ўргатиб боришса, ёмон бўлмасди.

Бундан ташқари «нутқ маданияти» фани кенгроқ ўргатилиши керак, чунки кутубхоначилар бошқа касб эгаларига қараганда сўзга бой, нутқи чиройли бўлиб, 4та киши ўртасида суҳбат қилганда, бошқалардан ажралиб туриши керак, деб ўйлайман. Яна бир таклифим: мутахассислик бўйича имтиҳон топширганда оммавий тадбирлар ўтказиш методикасини фақат дарсликлардан тўтиқушдай ёдлаб эмас, балки ҳар бир студент ўз билимини амалда кўрсатиб бера олсин.

Малака ошириш институтида эса кўпчилик ўқитувчилар йиллар давомида алмисоқдан қолган конспектларини ҳалигача бир маромда ўқиб келишмоқда. Масалан, мен 1977 йилдан 1985 йилгача 4 марта малака оширишга борган бўлсам, ҳар борганимда шу конспектларни ҳеч бир ўзгаришсиз, қайта-қайта эшитдим.

Кейинги пайтларда эса А. Навоий номидаги кутубхонадан ва жумҳурият болалар кутубхонасидан бирор мазмунлироқ методик қўлланмалар олганимизни ҳам эслай олмайман.

Хулоса қилиб айтганда, мен ҳам мутахассис сифатида мақола муаллифининг фикрларига қўшиламан ва талабларимиз қоғозда қолиб кетмасдан амалга оширилади, деб ишонаман.

**Мавлуда ЭРГАШЕВА,**
**Самарқанд вилояти Жомбой райони Марказий кутубхона методика бўлими мудири**

●

Наманган вилоятидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти кутубхоначиларни қайта тайёрлов ойлик курсида мазкур газетада чоп этилган А. Абдуқодиров, И. Йўлдошевнинг «Қироатхоналар мададга муҳтож» мақоласини дарс давомида муҳокама қилдик.

Маълумки, барча мактабларда кутубхоналар мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам замонавий жиҳозланган хоналарда жойлашганми? Кутубхоналар базасини яхшилаш, айниқса, бизнинг тожик тилидаги мактабда бадиий, сиёсий, методик адабиётларни сотиб олиш бироз муаммо туғдиради. Кўпчилик кутубхоначиларни ташвишлантираётган муаммолардан бири, уларни қишлоқ хўжалиги ишига жалб қилишдир.

Сўнгги йилларда кўпгина районларда ўрта мактаб кутубхоналари марказлаштирилди. Бу жойларда эса йиғилиб қолган муаммолар ижобий томонга силжиганлиги қувонарлидир. Буни ёзишдан мақсад, зора бизнинг райондаги мактаблар кутубхоналари ҳам марказлаштирилса, деган умиддаман.

**Н. ДОНАЕВ**
**Поп райони**

●

Мақола муаллифлари ҳозирги кунда ҳар биримизни ташвишга солган мавзу ҳақида куюниб ёзишган. Уларнинг ўзбек матбааси, кутубхона ва китобхонлик тарихини ўрганиш кабиларни кутубхоначилик факультети ўқув программасига киритиш керак, деган фикрига қўшиламан. Чунки олий ёки ўрта махсус маълумотли ўзбек кутубхоначиси бу нарсаларни билмаса, ўтмишда фахрланса арзигулик хаттотларимиз бўлганлигига қарамай уларни танимаса, улар ҳақида маълумотга эга бўлмаса, ачинарли эмасми?

**Ҳ. ПАРДАЕВ,**
**Советобод райони марказлашган кутубхоналар системасининг 14-филиал мудири**



Илм — игна билан қудуқ қазиш...

# БОТМА, ҚУЁШ!



Суратда Қ. СЎПИЕВ

Афғонистон... Беҳуда тўкилган қон, бесамар уруш. Бир воқеа ёдимга тушса, ҳали-ҳали вужудим ларзага келади.

...Бир нуқтага тикилган Отанинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилади. Лаблари пириллаб учадию, елкалари силкиниб, унсиз фарёд чекади. Дили хуфтон, дарду дунёси қоронғу, ғуссага тўлган Онанинг кўзларига қарашга юрагинг дош беролмайди.

Кенггина ҳовлининг ўртасида — темир тобут... Марҳумнинг яқинлари алам билан додлаб йиғламоқдалар... Икки ҳарбий офицер ҳеч кимни тобутга яқин йўлатмайди...

Мақсадсиз урушнинг навбатдаги қурбони.

Сўлим Сайрамда бугун Баҳодир йўқ. Унинг кабутарлари осмонда қанотларини қоқмай учадилар. Уни кулранг самодан қидираётгандай саросар кезадилар.

«Ботма, Қуёш». Иқтидорли ёш режиссёр Қосимжон Сўпиев суратга олган ҳужжатли кино шундай деб номланган. Сценарий муаллифи умидли журналист Абдурашид Нурмуродов. «Ёшлик» муҳарририятида тайёрланган бу кўрсатув Афғонистондан қайтган-қайтмаган барча юртдошларимизга, хусусан, сайрамлик Баҳодир Наметовга бағишланган. Баҳодир Афғонистонда рота командири эди. Хизматнинг сўнгги кунларида мина портлаши оқибатида мангуликка бош қўйган. Ҳужжатли кино муаллифлари, ёвузликнинг тантанасига бош-қош бўлган кучлар нималардан иборат ва унга қарши қандай курашмоқ керак, деган фикрни илгари сурадилар.

Мен ҳужжатли картина муаллифлари билан учрашганимда, Қосимжон Сўпиев афғон мавзуи ҳақида ёниб гапирди:

— Мен уруш ҳақида гапира олмайман. Қийналаман. Баҳодир жанг қилган жойларда мен ҳам бўлганман. Ўша мудҳиш кунлар менинг ҳам бошимдан ўтган. Аммо мени бир ўй қийнайди. Афғонистонда неча минг ўзбек йигити жанг қилди. Лекин улар ичида битта ҳам қаҳрамон йўқ. Баҳодир Наметов ҳам жонини фидо этганлардан бири эди-ку!... Биз шаҳид бўлган йигитлардан қарздормиз, бу туйғу менга тинчлик бермайди. Ушбу киноасарни тайёрлаб, кўнглим озгина бўлса-да таскин топди. Дарҳақиқат, ўзбек ҳужжатли киночилиги жим ўтиргани йўқ. Хусусан, бу соҳа дарғаси Малик Қаюмовнинг фаолиятини эсланг. Қолаверса, Даврон Салимовнинг «Ўзбеклар иши», Шуҳрат Маҳмудовнинг «Ўз-ўзини ёқиш», Ҳайрулла Жўраевнинг «Фуқаро», Баҳодир Музаффаровнинг «Оролқум» ва бошқа бир қанча дадил гражданлик позициясидан туриб яратилган ҳужжатли киноларни эслаш ўринлидир.

«Ботма, қуёш» ҳужжатли фильми ҳам нотинч ҳаётимизнинг энг драматик жараёнини ҳаққоний акс эттирган, шафқатсизлик далиллари сирасига киради.

Яқинда Минск шаҳрида IX Бутуниттифоқ ёшлар телевизион фестивали бўлиб ўтди. Бу эътиборли анжуманда Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси Ёшлар ва болалар ижодий бирлашмасининг катта муҳаррири Қосимжон Сўпиев ўзининг «Ботма, қуёш» фильми билан қатнашиб, фестивалнинг махсус соврини билан тақдирланди.

Фестивал таассуротлари ҳақида Абдурашид Нурмуродов шундай дейди:

— Бугун ҳақиқатни айтиш учун айрим имкониятларга эга бўлаётирмиз. Томошабин ҳам аввалгидай лоқайд эмас, рост гапни, ҳаққоний асарни самимий қабул қилади, муносиб баҳолай билади. Фестиваль бу борада яхши сабоқ бўлди.

Фестивалда Сахалин телевидениеси жуда фаол қатнашди. Ҳавас қилса арзийди. Айниқса, Чернобиль фожиасига бағишланган «Диагноз» фильми олқишлар билан кутиб олинди. Аммо, энг ачинарлиси шундаки, Ўрта Осиёдан бирон-бир студия иштирок этмади.

«Ботма, қуёш» Қ. Сўпиевнинг Афғонистон мавзуидаги биринчи иши эмас. 1989 йили у байналмилалчи жангчи, икки оёғи, бир қўли, бир кўзидан ажралиб қайтган Қосимжон Тошматов ҳақида «Умид» видеофильмини суратга олган эди.

Режиссёр Қ. Сўпиев Афғонистонда ҳалок бўлганларни, шафқатсизликларни ўз кўзи билан кўрган. Ажал ва тириклик орасидаги даҳшатли аросатдан омон қайтган. Унинг афғон жанги мавзуига тез-тез мурожаат этиб туриши ва бу ижодкор учун маънавий эҳтиёжга айланганн табиийдир.

**Мирзараҳим МАМАЖОНОВ**

